

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

КАМАЛОВА ФЕРУЗА ИСМАИЛЖАНОВНА

**«ТИЛ ҲОДИСАЛАРИНИ СИНЕРГЕТИКА ТАМОЙИЛЛАРИ
АСОСИДА ТАДҚИҚ ЭТИШ»**

МУТАХАССИСЛИК: 5A220102-ЛИНГВИСТИКА (ЎЗБЕК ТИЛИ)

**МАГИСТР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН
ДИССЕРТАЦИЯ**

ИЛМИЙ РАҲБАР:

ф.ф.н. РАҲИМОВ А.У.

АНДИЖОН-2011

МУНДАРИЖА

1. Ишнинг умумий тавсифи.....	3
2. Кириш.....	6
3. I бўб. Синергетика ва лингвосинергетика.....	13
4. 1.1. Синергетика ва диалектика муносабати.....	13
5. 1.2. Тилшунослик ва синергетика муносабати.....	24
6. II бўб. Тил ҳодисаларининг синергетик парадигма асосидаги талқини..	29
7. 2.1. Тил ҳодисаларининг синергетика тамойиллари асосидаги талқини.	29
8. 2.2. Синергетика ва тил морфем қурилишидаги асимметрик жараёнлар.	35
9. 2.3. Тиллар морфологик қурилишидаги ўзгаришлар: флуктуация ва бифуркация.....	48
10. 2.3.1. Ўзбек тилида агглютинацияга нисбатан флуктуация ҳолати....	48
11. 2.3.2. Инглиз тили бифуркация нуқтасида: агглютинация ва фузия тенденцияси.....	55
12. Хулоса.....	65
13. Фойдаланилган адабиётлар.....	68

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Тил ўз-ўзини ташкил этувчи тизим сифатида узлуксиз тарзда ривожланади, у ҳеч қандай механизм ҳам, организм ҳам эмас, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган инсоний фаолиятдирки, уни физика, химия ёки биология терминлари билан тавсифлаб бўлмайди. Ушбу ҳодисага В. фон Гумбольдт томонидан энг қисқа ва чуқур маъноли тарзда изоҳ берилган: тил **ergon** (фаолият маҳсули) эмас, балки **energeia** (ўз-ўзини ташкил этувчи фаолият)дир.¹ Тилларнинг фонетик, лексик ва грамматик структураси эволюцион тарзда тараққий этади, даврий равишда айрим типологик ўзгаришларни бошидан кечиради. Хусусан, ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм ҳодисасининг деярли учрамаслиги, агглютинатив табиатга эга бўлган ўзбек тилида фузион тилларга хос бўлган унсурларнинг мавжудлиги ёки фузион-аналитик тил ҳисобланган инглиз тилида агглютинация ва синтетизм тенденциясининг кучайиб бораётганлиги каби ҳолатлар² тилларнинг грамматикасидаги трансформациянинг ёрқин исботидир. Демак, тадрижий тараққиёт натижасида географик, хронологик ва социологик омиллар таъсирида тилларнинг структурал-типологик хусусиятлари ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Мазкур тадқиқот ишида айтиш масалани янги илмий парадигма саналган синергетика тамойиллари асосида ёритиб беришни мақсад қилганмиз. Бунда синергетика тамойиллари тил ҳодисаларини баҳолашда татбиқ этилди. Ўзбек тили морфем қурилиши бирликлари қамров доираси учун ҳам морфем такрорлар (морфем плеоназм), синкретизм (маъноларнинг қоришиқлиги), қўшма аффикслар, аналитик ва синтетик формантларнинг хослиги, боғли ва асемантик бирликларнинг тўхтовсиз ҳосил бўлиб туриши тил тизимидаги узлуксиз тарихий жараёнларнинг маълум кўриниши бўлиб, муайян синхрон даврларда шакл ва мазмуннинг турлича муносабатларини акс эттиради.

¹ Cassirer E. Structuralism in Modern Linguistics. – Washington: Word, 1945. - P. 110.

² Қаранг: Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - Б. 78-81; Good J. Linguistic Universals and Language Change. – Oxford: Oxford University Press, 2008. - P. 54-57.

Бизнинг фикримизча, тилшуносларни ҳайратга солаётган тилларнинг грамматик қурилишидаги, морфологиясидаги, морфем парадигматикаси ва синтагматикасидаги ўзгаришлар, морфологик типлардаги силжишларни талқин этишда, уларнинг сабабларини аниқлашда синергетика фалсафаси муҳим методологик аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотимизда синергетикани методологик асос сифатида танлашни лозим топдик.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади – тил ҳодисаларини, тилдаги эволюция натижасида юз берган турли хил ўзгаришларни, айниқса, грамматик ўзгаришларни синергетик парадигма асосида таҳлил ва талқин этишдан иборат.

Ушбу асосий мақсаддан келиб чиқиб, ишда қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

- Синергетиканинг юзага келиш тарихи ва унинг методологик аҳамиятини ёритиш;
- Синергетика ва диалектика муносабатини очиқ бериш;
- Лингвосинергетика йўналиши ва бу соҳада бажарилган тадқиқотларни таҳлил этиш;
- Тил ҳодисаларига синергетика тамойилларини татбиқ этиш;
- Тил морфем қурилишидаги ўзгаришлар ва номутаносибликнинг айрим хусусиятларини кўрсатиш;
- Тиллар морфологик қурилишидаги ўзгаришларни ўзбек ва инглиз тиллари мисолида синергетиканинг флуктуация ва бифуркация тамойиллари асосида таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва усуллари. Тадқиқотнинг методологик асосини Президентимиз И. А. Каримовнинг тарихий мерос ва қадриятлар ҳақидаги ғоялари, синергетика ва диалектика фалсафаси ташкил этади.

Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида қўлланилаётган қиёсий-тарихий, чоғиштириш ва тавсифлаш, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

Диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларидан ўқув-услубий қўлланмалар тузиш, лингвосинергетикага оид махсус семинар курсларини ўтиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация мавзуси Андижон давлат университети «Тилшунослик» кафедрасининг истикбол илмий режасига киритилган ва кафедрада олиб борилаётган тадқиқот ишлари билан узвий боғлиқ.

Диссертация натижаларининг синовдан ўтиши. Диссертациядаги айрим натижа ва хулосалар Андижон давлат университети филология факультети Тилшунослик кафедраси семинарларида баён этилган, 4 мақола Андижон давлат университетининг “Илмий хабарнома”сида ва конференция тўпламларида, 2 тезис илмий тўпламларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 76 бет.

КИРИШ

XX асрда янги назарий ва амалий фанлар кашф этилди. Улар қаторига нисбийлик назарияси, квант механикаси, молекуляр генетика, атом ва термоядро энергетикаси, реактив авиация, космонавтика, микро – мегафизика, сунъий сентетик материаллар кимёси, кибернетика – информатика, информацион технологиялар ҳамда синергетикани киритиш мумкин.

XX асрнинг 70-йилларида немис олими Георг Хакен ва бельгиялик олим, Нобель мукофоти совриндори Илья Пригожин фанга янги методологияни олиб кирди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 1973 йилда Г.Хакен ўз-ўзини ташкил этиш муаммоларига бағишланган биринчи конференцияда “Кучли нотенг ва нофизик системаларда кооператив ходисалар” номли нутқ сўзлаган эди, мана шу йил синергетиканинг туғилган йили ҳисобланади.¹ У корпоративлик турли тизимларда, масалан, астрофизик ходисаларда, гидродинамик беқарорлик ходисаларида, атмосферада циклонларнинг ҳосил бўлишида, популяциялар динамикасида ҳам кузатилишини ўзининг “Синергетика” (1977 йил), “Табиат сирлари” (2003) китобларида аниқ далиллар билан исботлаб берди. Олим кўпгина фанларда – астрология, физика, химия, биология, иқтисодиёт ва ҳатто социологияда ҳам тизим алоҳида қисмларининг бирлашиши макроскопик тузилмалар ёки функцияларга олиб келишини кузатиш мумкинлигини қайд этди.

Синергетика фанлик мақомини олгунга қадар турлича номлар билан аталиб келинди: АҚШда “**динамик хаос назарияси**” (М.Фейгенбаум), Франция, Бельгияда “**диссипатив структуралар назарияси**” (И.Пригожин), “**мураккаблик ҳақидаги фан**” (“complexity science”). Хакен янги фанни нима учун “**синергетика**” деб номлаганини қуйидагича тушунтиради: “Биринчидан, унда макроскопик даражада тузилмани вужудга келтирадиган кўплаб кичик тизимларнинг биргаликдаги фаолияти тадқиқ қилинади.

¹ <http://www.hist.msu.ru/Departments/Inf/BOOKS/chaos.htm>

Иккинчидан, тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиш тамойилларини топишга у турли фанларни жалб этади. Яъни билимнинг тор ихтисослашган соҳаларида содир бўлаётган инқироз муносабати билан ахборотни оз сонли қонунлар, концепциялар ёки ғояларга зичлаштириш лозим, синергетикага эса мана шундай уринишлардан бири сифатида қараш мумкин. Учинчидан, турли табиатли тизимларнинг бир хил ўз-ўзини ташкил этиш тамойиллари мавжуд, бу эса табиий ва ижтимоий жараёнларнинг умумий аниқловчиларини топиш тўғрисида сўз юритиш лозимлигини тақозо қилади. Синергетика айнан мана шу умумий аниқловчиларни топишга йўналтирилган”.¹ Г.Хакеннинг қарашларини давом эттирган ҳолда И.Пригожин нотенг тизимлар физикасини ўрганиб, янги эффектларни кашф қилди ва машҳур “Хаосдан тартиб” (“Порядок из хаоса”) номли китобида ўз қарашларини эълон қилди. Олим диссипатив структуралар назариясини яратди. Бунга кўра тизимдаги таъсирлар тарқаладиган тизим **диссипатив тизим** ҳисобланади, ҳар хил таъсирларга ўта таъсирчанлик ва бунинг натижасида ҳаддан ташқари мувозанатсизлик диссипатив тизимнинг асосий хоссасидир. И.Пригожин ғояларидан қаттиқ таъсирланган рус математиги В.И.Арнольд ва француз математиги Р.Том бифуркация назариясини ишлаб чиқдилар. Мувозанатдан узоқ шароитларда **бифуркация** механизмлари фаолият кўрсатиб, улар иккиланиш нуқталарининг мавжудлигини ва ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутди. Бифуркация жараёнлари тизимнинг мураккаблашувидан далолат беради.² Бифуркацияни қуйидаги аниқ мисол билан тушунтириш мумкин: биз тошни болға билан урайлик. Бунда ҳар бир зарбадан тош деформацияга учрайди, биз ҳар бир деформациянинг характерини олдиндан айта оламиз, лекин тошнинг иккига бўлиниши қанча тош парчалари ажралганининг оқибати эканлигини аниқ айтиб бера олмаймиз. Шу ўринда бу ҳолатни тушуниш учун бизга бифуркация ёрдам беради. Яъни бутун тошни болға билан уриш давомида шундай бир пайт

¹ Хакен Г. Синергетика. – М., 1980. – С. 380.

² <http://www.hist.msu.ru/Departments/Inf/BOOKS/chaos.htm>

келадики, у бошқа сифат босқичига ўтаётган бўлади, худди шу пайтдаги тошнинг ҳолати бифуркацияга мисол бўла олади.

Академик Н.Н.Моисеев ҳам синергетикани янгича ёндашув ва талқинлар билан бойитган. Олим синергетиканинг муҳим хоссаси сифатида универсал эволюционизм ва коэволюцияни белгилайди. Яъни коэволюция – глобал эволюционизмнинг туб негизи бўлиб, у табиат ва жамиятдаги мавжуд системаларнинг биргаликда яшаши, ривожланиши демакдир. Синергетика (юнонча *synergeia* – “ҳамкорлик”, “ҳамжиҳатик” маъноларини англатади) – системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, чизиқсиз ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуби.¹ Синергетика табиатдаги мураккаб тизимларда ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнини, эволюциянинг қай босқичида **хаос** (тартибсиз ҳолат) ижобий рол ўйнаши, хаосдан тартибнинг пайдо бўлиши, қонуниятдан четлашиш ҳолатлари (флуктуация), беқарор ва барқарор ҳолат, чизиқли тараққиёт ва чизиқсиз тараққиёт, ҳозирги замон дунё манзарасининг янги устуворликларини – мувозанатсиз беқарор дунё концепциясини, ривожланишнинг чизиқсизлиги ва кўпмуқобиллилиги ҳодисаси каби масалаларни ўрганади.² У умумфалсафий методология сифатида структурогенезнинг энг умумий қонуниятларини аниқлашни ўз предметиға айлантирган ўз-ўзини ташкил этиш назариясидир.³ У илмий тадқиқотлардан кўпинча мувофиқлаштирилган ҳаракат, узлуксиз ҳамкорлик, биргаликда фойдаланиш, деган маъноларда қўлланилади.

Г. Хакен “Синергетика” асарида у кўпгина фанларда – астрологиядан тортиб то социологиягача – тизим алоҳида қисмларнинг бирлашиши макроскопик тузилмалар ёки функцияларга олиб келинишини кузатиш мумкинлигини қайд этади. Синергетика ўзининг ҳозирги ҳолатида тизим тузулмалари ёки функциялари макро даражада граматик ўзгаришларни

¹ Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат. – Тошкент.:Шарқ, 2004. - Б. 284.

² Князева Е. Н. Саморефлексивная синергетика // Вопросы философии. – М., 2001. - № 10. - С. 106-107.

³ <http://chaos.ssu.runnet.ru>.

бошдан кечираётган вазиятларга эътиборни қаратади. Жумладан, кичик тизимлар ёки қисмлар ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларига тўла боғлиқ бўлган ўзгаришларни қандай амалга оширадилар, деган савол уни кўпроқ қизиқтиради. Тартибсизлик ҳолатидан тартибли ҳолатга ўтишда бу тизимларнинг барчаси ўзини ўхшаш тарзда тутиши ажабланарли ҳол бўлиб туюлади.

Синергетика ўз –ўзини ташкил этиш, стихияли, структурогенез, чизиксизлик, очик тизимлар сингари асосли сўзлар ёрдамида тавсифланади. Синергетика очик, яъни ташқи муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашувчи тизимларни ўрганади. Дунёнинг синергетик манзарасида кўпвариантлилиқ ва қайтарилмасликка асосланган шаклланиш ҳукм суради.

Синергетикадаги системалар очикдир. Очик системага – ташқаридан ҳамма нарсa кириб келавермайди. Фақат фаол ҳисобланадиган энергия, модда ва информациялар киради. Синергетика тирик организмни очик система деб ҳисоблайди. Масалан, ўсимлик, ҳайвон ва одам организми сув, озукa, энергиясиз, яъни ташқи муҳитсиз яшай олмайди. Шу маънода организм очик система дейилади. Қуёш системаси эса космик нурларсиз ҳам мавжуд бўлаверади, яъни у ёпиқ система. Очик система ёпиқ системадан нима билан фарқ қилади? Фарқи аввало шундаки, ёпиқ системага ташқаридан модда, энергия, информация кирмайди ва ундан улар чиқмайди, деб ҳисобланади. Классик физикада энергия, модда, ҳаракат миқдори, кинетик моментлар, масса, зарядларнинг ҳисоб – китоби бор. Фалсафадаги сақланиш тамойили физика ва бошқа табиий фанлар намоён бўладиган ҳар хил сақланиш қонунлари мавжуд. Масалан, бир олмани юқорига ирғитсангиз, у кўтарилишдан тортиб пастга тушгунича потенциал энергия билан кинетик энергиянинг миқдорий йиғиндиси бир хил бўлиб, ўзгармайди. Бу мисолда биз олмадан иборат системача билан Ердан иборат системачадан ташкил топган ёпиқ системани тасаввур қилдик.

И.Пригожиннинг таъкидлашича, ҳозирги замонда ижтимоий ўзгаришлар аввалгига қараганда кўпроқ тезланиш билан кечмоқда. Бунинг

устига Ер куррасининг ҳар хил жойларида қайноқ нуқталар, спид, бўрон, транспорт авариялари, кучли зилзилалар, тўфонлар, тошқинлар, қахратон совуқлар, жазирама иссиқлар, ёнғинлар, терактлар, “парандалар гриппи” ни кўшсак, флуктуациялар авж олмоқда. Натижада тартибсизликлар кучаймоқда, бекарорлик ошмоқда, хуллас воқеа ва ҳодисалар муносабатларининг чизиқсизлиги кўпаймоқда. Озгина сабаб кўпроқ натижа бермоқда.

О.Тоффлернинг айтишича, ҳозиргача фан, асосан барқарорликка, турғунликка кўпроқ эътибор бериб келди. Пригожин синергетикаси эса, ҳозирги замон жаҳон ҳаётида кўплаб учраётган ижтимоий ҳодисаларнинг тезланиши натижасида пайдо бўлаётган бекарорлик, тартибсизлик, тез ўзгарувчанлик, ҳар хиллик каби чизиқсиз воқеаларга кўпроқ урғу беряпти.

Маълумки, кишилик жамиятида, ижтимоий ҳаётда маълум бир мақсадни амалга ошириш учун фаолият жараёнларини ташкил қилиш керак. Бу вазифани одатда ё бир ташкилотчи шахс ёки бир неча одамдан иборат ташкилот бажаради. Бу ерда вазифа – объект, бажарувчи – субъектдир. Бу мулоҳаза, ҳатто табиатга ҳам тааллуқлидир. Табиий табиат ва сунъий табиат бор. Сунъий табиат, одатда, иккинчи табиат дейилиб уни одам ташкил қилади. Табиий табиатни, яъни элементар микроразрлардан тортиб, куёш системаси, галлактикалар, квазарлар, пулсарларгача чўзилган оламни табиатнинг ўзи, оламнинг ўзи ташкил қилади. Олам ва унинг айрим қисмлари, системалари ўзини –ўзи ташкил қилади, яъни система ташқи таъсирсиз ўз–ўзидан ташкилланади.

Синергетиканинг вазифаси аниқ: жонсиз табиатда ҳам жонли табиатда ҳам, ҳайвонлар дунёсида ҳам, одамлар жамиятида ҳам субъектнинг ташкилотчилик қобилятидан ташқари объектив активлик борки, кўп нарсалар одам субъективисиз ҳам ташкил қилинаверади.

Ўз–ўзидан ташкилланиш – четдан келадиган таъсирсиз, ўзи–ўзидан ҳаракатланишнинг муҳим намоён бўлиши; шу билан бирга ўзи ўзини бошқаришнинг асосидир. Ўз–ўзидан ҳаракатланиш, ўзгариш, ривожланиш

деганда, аввало, материянинг мавжудлигида барча ҳолатларда ёки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга табиий ўтишидаги сабаб шу материянинг ўзида бўлиб, ташқи кучга муҳтож эмас, деган сўз. Масалан, Қуёш ва Қуёш системасида, ҳар бир галлактиканинг ўзидаги физикавий, кимёвий жараёнлар шу жумладандир.

Шу билан бирга эсдан чиқмаслик керакки, ҳар бир объект, нарсаси ташқи куч таъсирида ҳам ўз ҳолатини ўзгартириши мумкин. Масалан, бир юлдуз нурига, жумладан Қуёш нурига бошқа юлдузлар нурлари таъсир этиши мумкин. Бу эса космик нурлар орасидаги боғланиш муносабатларини белгилайди.

Ташқи таъсир натижасида ўзгариш дейилганда, материянинг ўзининг бир қисми иккинчи қисмига таъсири, деб тушунмоқ керак. Буни яққол тушунмоқ учун таъсирланувчи қисмнинг ўзи тўла қисм бўлмай, таъсирланувчи қисм билан биргаликда, яъни икки системачадан иборат қисм ичидаги жараён деб тасаввур этмоқ керак. Масалан, кристаллларнинг ташқи таъсиридан катталашиши, металнинг занглаши, Қуёш системасига Галлактиканинг таъсирини икки системачадан иборат системалардаги ўз–ўзидан тикланиш деб қараш мумкин.

Уйғун бир қоида бўйича бажарилмайдиган сабаб–оқибат жараёни тартибсизликдир. Масалан, табиатда Броун зарраларининг ҳаракатлари, шар–шарадан олдин тартибли равишда параллел оқиб келаётган олмаларнинг шар – шарадан тушиши билан улар ҳаракатларининг тартибсизлиги яъни ламинарликдан турбулентликка ўтиши, жамиятда эса баъзан кузатиладиган тўс – тўполон, оламон ҳаракатлари.

Тартибсизлик тушунчаси, қадимги файласуфларни ҳам кўп қизиқтирган. Платон фикрича, ҳар бир воқеа бир қанча имкониятлардан бирининг юзага чиқишидир. Мана шу имкониятлар воқеликка айлангунча тартибсиз ҳолда бўладилар. Имкониятлардан бири ҳақиқатга айланганидан сўнг тартибсизлик ўз маъносини йўқотади. Демак, ҳар бир нарсаси тартибсизликдан келиб чиқади.

И.Пригожин ва И. Стенгерс эътироф этадилар: “Биздан олдингилар тартибсизлик билан тартиблилик муносабати ҳақидаги саволга жавоб бера олмаганлар. Машхур энтропия қонуни оламни тартиботдан нотартибликка олиб боровчи жараён деб тушунишган. Биология эса оддийликдан мураккабликка, паст тартиботдан юқорироқ тартиботга олиб боради, деб тушунтиришган. Ниманинг ҳисобига? Энди маълум бўлдики, ташқи муҳитдан келадиган энергия ва моддалар ҳисобига. Ташқи муҳитнинг таъсири – тартибот манбаъидир”.

Физикада тартибсиз ҳаракат деб, мувозанат ҳолдаги иссиқлик ҳаракати, мувозанатсиз турбулент ҳаракат, электромагнит тўлқинлари ҳаракатлари ҳисобланади. Тартибсизлик – траекторияларнинг беқарорлиги.

Тартибот манбаи – номувозанатликдир. Номувозанатлик тартибсизликдан тартиблиликни чиқаради. Орқага қайтмайдиган жараёнлар тартибсизликдан тартиблиликка ўтиш манбаидир. Дарҳақиқат, синергетика асосчиларининг бир китоби “Тартибсизликдан тартиблиликка ” (“Порядок из хаоса”) деб аталади. Тартибсизликдан тўсатдан тартиблиликка ўтиш ва қайтадан ташкилланишга ўтишнинг сабаби – ўз–ўзидан ташкилланиш қобилиятидир.

Тартиблилик ва тартибсизлик вакуумда, микродунёда, макродунёда бир хил эмас, балки нисбийдир. Масалан, турбулент ҳаракат макро миқёсда тартибсизлик бўлгани ҳолда микро миқёсда тартибли ва юқори даражада ташкиллангандир. Ўз–ўзидан ташкилланиш натижасида система тартиблашади. Тартиблилик ва тартибсизлик маъносининг бошқача кўриниши чизиқли ва чизиқсизликдир. Бунда кечаётган жараённи қоғозда ифодалаш усули эътиборга олинади. Мисол учун шаршарани кўз олдимизга келтирайлик. Ариқда тўғри чизиқ бўйича оқиб келаётган олма шаршарадан тушаётган даврида ўз ҳаракатини парабола бўйича давом эттиради ва ниҳоят, пастга тушганидаги траекторияси қандай чизиқ билан бўлади, буниси номаълум. Мана шу номаълумлик чизиқсиз жараён дейилади.

I БОБ

СИНЕРГЕТИКА ВА ЛИНГВОСИНЕРГЕТИКА

1.1. Синергетика ва диалектика муносабати

Кейинги пайтларда синергетика диалектиканинг зидди ёки унинг муқобили каби турли хил фикрлар кўп учрамоқда. Шу жиҳатдан синергетика ва диалектика муносабатини ҳам ёритишни мақсад қилдик.

Синергетика физика, биология ва социологияга қараганда умумийроқ фан. Лекин диалектика, фалсафа илми синергетикага қараганда янада умумийроқ. Синергетика ҳеч вақт фалсафа фани даражасигача кўтарила олмайди. Чунки, синергетиканинг асосий объекти бўлган ўз–ўзидан ташкилланиш бир томондан диалектика қонуниятига, зиддият қонунига бўйсунди, иккинчидан, синергетика фалсафа сингари билиш назарияси, дунёқараш, объект – субъект муаммолари билан шуғулланмайди. Дарҳақиқат, материя–онг, моддийлик – маънавийлик, яхши–ёмон, эски- янги, прогресс – регресс, эътироф – инкор, миқдор – сифат каби зиддиятлар синергетика доирасига сиғмайди, улар диалектика мазмунига киради.

Синергетика ҳар бир нарсани система деб қарайди. Системани икки тоифага ажратади: бири – ёпиқ система, иккинчиси – очик система. Оламдаги жонсиз системалар ёпиқ, жонли системалар очик деб ҳисобланади. Ўз – ўзидан ташкил топиш, ташкилланиш, асосан, очик системага тааллуқли дейилади. Синергетикада бу масала тартиблилик ва тартибсизлик, чизиқлилиқ ва чизиқсизлик, барқарорлик ва беқарорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва қайтиши, бифуркация ва флуктуация, энергия ва энтропия, сабабият ва оқибат, қонуният ва тасодиф, табиат ва жамият муносабатлари мисолларида баён этилади. Синергетиканинг таянч тушунчалари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ❖ Чизиқсиз тараққиёт
- ❖ Хаос

- ❖ Флуктуация
- ❖ Диссипация
- ❖ Аттракция
- ❖ Бифуркация
- ❖ Коэволюция

Синергетика бекарорлик ва хаос — тартибсизлик категорияларининг ўзаро муносабатини ўргатади. Мазкур илмий соҳа ижодкорларининг фикрига кўра, ҳар қандай эски тузилма, янги тузилма билан алмашинар экан, даставвал, бекарорлик - хаос юз беради, тизимдаги унсурлар барқарорлигига путур етади. Бу нуқтадаги ҳолатнинг ўзгаришида оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Ҳар қандай тизим синергетиканинг объекти сифатида ўрганилиши мумкин эмас. Синергетика объекти бўлиши учун тизим:

- очик, яъни ташқи муҳит билан модда ёки энергия ёки информация алмашинуви бўлиб туриши керак;
- мувозанатсиз ёки термодинамик мувозанат ҳолатидан узоқ бўлиши керак.

Шу чоққа қадар, табиатшуносликда, кўпроқ асосан детерминизм ҳукмрон эди. Табиат жамиятни бошқариш ва ўрганишда детерминизм тамойилига мойиллик сезилишини кўпчилик билади. Ҳозирги кунда инсон табиат ва жамиятни тўлиқ билиши ва бошқара олиши мумкинми, — деган савол қайтадан кўтарилмоқда. Уни ҳал этиш учун фан ва дунёни инсон бошқариши мумкин бўлмаган соҳаси — бекарорликни ўрганишга киришди. Бекарорлик ҳодисаларнинг сабабий боғланишини билишнинг янги имкониятигина эмас, балки илмий жараённинг инсонийлашишидан ҳам далолатдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, илмий билиш жараёнига инсон фаолияти қўшилгани боис, у инсонийлашган жараёндир. Инсон ўз навбатида, шу илмий жараённинг тобора бутун бир жиҳатидир. Шунинг учун эндиликда инсон субъектининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бунга билиш жараёнининг тобора инсонийлашуви деб қарамоқ керак.

Беқарорлик ҳодисасини ўрганиш инсоннинг шу даврга қадар билмаган кўп томонларни тушунишга, жумладан, фан имкониятларининг чекланганлигини англашга имкон яратди. Чунки фан шу вақтгача кўпроқ барқарорлик ҳодисасига эътибор бериб келган. Бунинг сабаби — барқарорлик детерминлашган дунёни инсон томонидан тўлиқ назорат этиши ва бошқариши учун имкон беради. Шу билан бирга, барқарорлик табиатдаги кўпгина ҳодисалар моҳиятига бир томонлама ёндашиш эканини кузатиш қийин эмас. Бироқ бундан табиат ва жамиятда фақат беқарорлик ёки барқарорлик айрим ҳолда мавжуд экан, деган хулоса келиб чиқмайди. *«Ган шундаки, — ёзади Нобел мукофотининг соҳиби И.Пригожин — барқарорлик ва беқарорлик аниқ бир пайтда пайдо бўлади ва яшайди».*

Синергетикада ўз-ўзини ташкиллаштириш деб мувозанатда бўлмаган очик тизимларнинг оддий ташкиллаштиришдан мураккаб ташкиллаштирилган ҳолатларга спонтан тарзда ўтиш жараёни тушунилади. Кайд этиладики, тараққиёт тартибсизлик (хаослик) туфайли амалга ошади. Ҳозирги фанга маълум бўлишича, кўпгина тизимларнинг ривожланиши нозичли моҳиятга эгадир, бу ҳолда ҳар бир тизимнинг эволюциявий жараёнида кўп вариантлик ривожланиш имкониятлари мавжуд ва улар қайтарилмаслик табиатига эга.

“Диалектика” сўзи эпистемологиясига кўра юнонча суҳбат, мунозара қилиш деган маъноларини англатиб, қадимда суҳбатлар, мунозаралар, баҳслаш, ҳақиқатни очиш йўли ва усули тарзда талқин қилинган.

Диалектика ҳақидаги фалсафий билимлар ривожланиб бориши билан унинг мазмуни ҳам бойиб борди. Диалектика борлиқдаги барча нарсалар, ходисалар, жараёнлар ўзаро алоқада, боғланишда, ўзгаришда ва ривожланишда, деб талқин қилувчи таълимот сифатида эътироф этилди.

Диалектика атамасини Сократ биринчи бўлиб қўллаган, у диалектикани майевтика (ҳарф яратиш санъати) билан таққослаган. Гераклит (умумий ўзгарувчанликнинг универсаллиги), Зенон (апориялар), Демокрит (атомлар мавжудлиги ва ҳаракати), Аристотел (ўзгарувчанлик муаммосини

тараққиёт омили, зиддиятлар, инкор, ворислик) лар диалектиканинг тараққиётига катта хисса қўшди.

Кант, Фихте, Гегеллар ўз қарашларида янги замон диалектикасини ривожлантиришди. Диалектикани тараққиётнинг умумий назарияси сифатида Гегел асослаб берган. У Аристотелдан кейин диалектикани фан даражасига қўтарди.

Диалектикага қуйидагича таъриф берилади: **Диалектика** ўз қонун ва категорияларининг абстракт умумлаштирилган яхлит назарий системаси сифатида моддий ва маънавий дунёнинг энг умумий универсал системали ривожланиш жараёнининг инсон тафаккуридаги яхлит, энг чуқур моҳият томонидан олинган инъикосидир.

Диалектиканинг асосий тамойилларини - **абдий ва азалий узликсизлик, доимий алоқадорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма – кетлиги тарзидаги боғланишлар, ривожланиш ва тараққиёт, оламнинг ранг–баранглиги ва уйғунлиги ташкил қилади.**

Нарсаларнинг тафаккурдаги инъикосларини уларнинг ўзаро алоқасида, ўзгаришида, ҳаракатида пайдо бўлиши ва йўқолиши жараёнида олиниши диалектика учун хосдир.

Диалектик тафаккур ихчам, ҳаракатчан, ўзгарувчан тушунчалардан фойдаланиш орқали оламдаги нарса ва ҳодисалар тараққиётининг қонуниятларини инсон онгида акс эттиради.

Маълумки, мантикий категориялар табиати ҳақида гап кетганда, ўзаро зид икки хил қараш мавжуд: метафизик ва диалектик. Метафизиклар категорияларни ўзгармайдиган, қандай бўлса, шундай ҳолда қотиб қолган тушунчалар сифатида талқин қиладилар. Улар категорияларнинг ўзаро бири иккинчисига ўтиши, ўзининг зидига айланиши мумкинлигини тан олмайдилар. Ҳолбуки, тараққиётга мос равишда кишиларнинг ўзлари, ўз ҳаётларига мувофиқ равишда турли тушунчалар, ғоялар, категорияларни ҳам яратадилар. Лекин бу жараёнлар ўзгарар, бошқаларига айланар экан,

категориялар худди улар каби абадий эмас, балки ўз моҳиятларига кўра ўткинчи ва тарихий ходисалардир.

Тараққиёт жараёнида авлодлар, даврлар, сиёсий тузимлар, умуман ижтимоий воқеа ва ходисалар ўз –ўзидан автоматик тарзда содир бўлиб, ном нишонсиз йўқолиб кетмайди. Балки уларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларнинг ҳосиласи, ижтимоий жараёнларнинг натижаси, бирор сабабнинг оқибати сифатида намоён бўлади. Бир давр иккинчисининг ўрнига, бир авлод олдингисидан кейин, бир воқеа бошқасининг ортидан содир бўлиб туради.

Диалектик тафаккур оламдаги нарсалар ва уларнинг фикрий инъикосларини узвий бирликда олиб қарайди. Бу тафаккурга кўра, нарсалар ва уларнинг мантикий образлари бўлган тушунчаларнинг боғлиқлиги, билишнинг табиий ҳаракат шакли бўлиб, бунда субъектив билимлар объектив оламнинг инъикоси сифатида намоён бўлади.

Диалектик тафаккур усулининг муҳим принципларидан бири, нарсаларни, уларнинг табиий ҳаракати ва ривожланиши жараёнида холисона ва илмий таҳлил қилишдир. Бу усулнинг илмий билиш борасидаги асосий талаблари қуйидагиларда кўринади: **биринчидан**, ҳар қандай нарса ёки ходисани ўрганишда ҳамма томон ва боғланишларни, шунингдек, унинг бошқа нарсалар ва ходисалар билан ўзаро муносабатларини ҳисобга олиш зарур. Бу абстракт талаб эмас, балки реал воқеликдаги нарсалар бир биридан ажралган, алоҳида холда бўлмасдан, балки бир–бири билан мустаҳкам ўзаро боғланишларда мавжуд бўлади ва бир –бирини тақозо қилади.

Иккинчидан, диалектик усул таҳлил, тадқиқот, текширишнинг холисоналиги нарса ва ходисаларни ҳаракатда, ўзгаришда ҳамда ривожланишда олиб қарайди. Шунга мувофиқ, диалектика дунёнинг нарса ва ходисаларини фақат ўзаро алоқада ва бир – бирини тақозо қилишда олиб қарамасдан, балки ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда тушунишни талаб қилишининг ўзи бошқа тафаккур услубларидан фарқ қилишни кўрсатади.

Илғор илмий билишда диалектик – методология ўз ўрни ва аҳамиятига эга. У нормалар, “рецеплар” ва усулларнинг қатъий, бир маъноли йиғиндиси шаклида эмас, балки инсон фаолиятининг умумий тамойиллари, қоидалари, шунингдек инсон яхлит тафаккурининг диалектик ва мослашувчан тизими сифатида реал фаолият кўрсатади.

Диалектик методнинг муҳим тамойиллари қуйидагилар:

1. **Объективлик** - воқеликни унинг реал қонуниятлари ва умумий шаклларида эътироф этишга асосланган фалсафий, диалектик тамойил. Мазкур тамойилнинг асосий мазмунини қуйидаги талаблар шаклида ифода этиш мумкин:

а) унинг бутун ҳажми ва ривожланишида хиссий – предмет фаолияти (амалиёт) дан келиб чиқиш;

б) билиш субъекти ва ҳаракатнинг фаол ролини англаб етиш ҳамда рўёбга чиқариш;

в) фактларнинг йиғиндисидан келиб чиқиш ва нарсалар мантиғини тушунчалар мантиғида ифода қилиш;

г) предметнинг барча шаклий ўзгаришлари негизи сифатида унинг ички бирлиги (субстанцияси) ни аниқлаш;

д) мазкур предметга мувофиқ бўлган методлар тизимини тўғри танлаш ва уни онгли равишда, изчил амалга ошириш;

е) предметни тегишли ижтимоий – маданий нуқтаи назардан, маълум дунёқарашлар доирасида кўриб чиқиш;

ж) барча жараёнлар ва ҳодисаларга конструктив – танқидий ёндашиш ҳамда мазкур предметнинг мантиғига қараб иш тутиш.

2. **Ҳар томонламалик** - воқеликнинг барча ҳодисалари ўртасидаги умумий алоқани ифода этувчи билиш ва бошқа фаолият шакллариининг фалсафий, диалектик тамойили. У қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

а) тадқиқот предметини ажратиш ва унинг чегараларини белгилаш;

б) уни яхлит, “кўп жиҳатли” кўриб чиқиш;

- в) предметнинг ҳар бир томонини соф шаклда ўрганиш;
- г) кенг ва чуқур жараён – билишни унинг интенсив ҳамда экстенсив томонлари бирлигида амалга ошириш;
- д) предметнинг моҳиятини, бош жиҳатини, унинг субстанционал хоссасини ажратиш.

3. Муайянлик (конкретлик) – нарсани ёки ўзаро боғланган нарсалар тизимини ўзининг барча томон ва алоқалар мажмуида ифода этувчи фалсафий категория.

У қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

- а) айтиш ҳодисасини унинг субстанционал белгисидан “ажратиш” ва уни диалектик тарзда қисмларга ажратилган бутун ҳодиса сифатида акс эттириш;
- б) умумийнинг хусусийдан, моҳиятнинг ҳодисаларда, қонуннинг қонун модификацияларида акс этишини кузатиш;
- в) жой, вақтнинг турли – туман шартларини ҳамда мазкур предметнинг борлигини ўзгартирувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш;
- г) умумий ва хусусийнинг махсус механизминини аниқлаш;
- д) мазкур предметни у қайси тизимнинг унсури бўлса, ўша тизим таркибида кўриб чиқиш.

4. Тарихийлик – ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак сингари ҳолатлар (вақт босқичлари) нинг яхлит узлуксиз бирлиги шаклида вақт ўқи бўйлаб йўналган воқеликнинг ўз –ўзини ривожлантиришининг методологик тарзда ифода этувчи фалсафий тамойил.

У қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

- а) тадқиқот предметининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;
- б) ўтмишни тиклаш – генезисни, унинг вужудга келишини ҳамда тарихий ҳаракатининг асосий босқичларини кўриб чиқиш;
- в) келажакни башорат қилиш, предметнинг бундан буён ривожланиши тенденцияларини прогноз қилиш.

5. Қарама–қаршилик – нарса ва ҳодисаларнинг реал қарама–қаршиликлари негизини ташкил этувчи тамойил.

У қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

- а) предметдаги қарама – қаршиликларни аниқлаш;
- б) мазкур қарама – қаршиликнинг томонларидан бирини ҳар томонлама таҳлил қилиш;
- в) бошқа қарама – қаршиликни тадқиқ қилиш;
- г) қарама – қаршиликларнинг ҳар бири ҳақидаги билимга асосан предметга қарама – қаршиликлар бирлиги (ситези) деб қараш;
- д) предметнинг бошқа қарама – қаршиликлари тизимида қарама – қаршиликнинг ўрнини аниқлаш;
- е) мазкур қарама – қаршиликнинг ривожланиш босқичларини кузатиш;
- ж) қарама – қаршиликни жараён сифатида бартараф этиш механизминини таҳлил қилиш.

Диалектика тамойиллари нотўғри амалга оширилган ҳамда қўлланилган тақдирда уларнинг кўп сонли талаблари бажарилмаслиги, бинобарин, ҳақиқат йўлидан чалғиш ва янглишишлар содир бўлиши мумкин.

Илм фаннинг ҳамма соҳаси кўламида ишлайдиган қонуният фалсафий қонуният ҳисобланади.

Фалсафий қонуниятлар фалсафанинг ўзаги бўлган диалектиканинг қонунлари дейилади. Улар: **зиддият, яъни қаршиликлар бирлиги қонуни, миқдорий ўзгаришлар ва сифатий ўзгаришларнинг ўзаро бир – бирига ўтиши, инкорни инкор қилиш қонуни.**

Бу умумбашарий, яъни фалсафий қонунлар жаҳон илмий фалсафий адабиётларида тан олинган.

Қарама – қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, - табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётида амал қиладиган ялпи умумий қонундир.

Ушбу қонунга мувофиқ ҳар бир нарса бир–бири билан узвий алоқада бўлган ва бири иккинчисини тақозо этувчи қарама – қарши томон ва жиҳатларга эга. Бу қарама – қарши томон ва кучлар ўртасидаги кураш

тараққиётнинг манбаини ифодалаб, эскининг йўқлиги ва янгининг пайдо бўлишига олиб келади.

Моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар турли – тумандир. Нарса ва ҳодисаларнинг тавофут даражаси ҳам ҳар хил бўлиб, муҳим ва номуҳим тавофутлар мавжуддир.

Нарса ва ҳодисалардаги тавофутлар қарама – қаршилиқлар асосини ташкил этади. **Қарама - қаршилиқ** деб нарса ва ҳодисаларнинг бир – бирини тақозо этувчи томонлар, кучларнинг ўзаро муносабатига айтилади.

Қарама – қаршилиқларни бир–биридан ажралган, қотиб қолган ҳолда олиш ва ўрганиш мумкин эмас. Чунки, қарама – қаршилиқлар бирлиги нисбий, уларнинг кураши эса абадийдир. Қарама – қаршилиқлар бирлиги маълум бир нарса ва ҳодисадаги икки қарама – қарши кучнинг маълум нисбий вақт ичида бирга мавжуд бўлиб туришидир.

Оламда рўй бераётган умумий ривожланишнинг моҳиятини очмоқ ҳамда қарама – қаршилиқлар бирлиги ва қарама – қаршилиқнинг мазмунини англаш учун **айният, тавофут, зиддият** тушунчаларини ҳам билишингиз зарур.

Нарса ва ҳодисаларнинг қарама – қарши томонлари ўртасидаги муносабат зиддият деб аталади. Зиддиятлар ҳамма вақт ҳам тўқнашиш билан тугамайди, балки алоҳида шароитдагина шундай ҳол рўй бериши мумкин.

Моддий оламдаги барча нарса, ҳодисалар ички зиддиятларга, бир – бирига қарама – қарши бўлган томонларга эга.

Микдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни – фалсафанинг асосий қонуниятларидан бири бўлиб, у табиат, жамият ва тафаккур тараққиётида амал қилади. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисаларда сезиларли бўлмаган микдорий ўзгаришлар аста – секин тўплана бориб тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёр бузилади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Сифатнинг ўзгариши, муқаррар суратда, хоссанинг ўзгаришига олиб келади. Аммо хоссанинг ўзгариши ҳар доим ҳам сифатнинг ўзгаришига

таъсир этмайди. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифодалайди.

Нарса ва ходисалар сифат муайянлиги билан бирга миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор ўзгаришлари албатта сифат ўзгаришига олиб боради, бунинг учун эса янги сифатга ўтиш учун миқдор ўзгаришларининг муайян меъёри талаб қилинади. Борлиқдаги барча нарса ва ходисалар учун миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ва сифат ўзгаришлари ўзаро алоқадор бўлиб, бир–бирини тақозо қилиб туради. Миқдор ўзгаришлари ҳам нарса ва ходисаларнинг ўзгаришидир. Бироқ, миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари нарса ва ходисаларнинг бутунлай ўзгаришидан иборат бўлса, миқдор ўзгаришлари маълум қолипда, чегарада нарса ва ходисаларнинг бутунлигини сақлаб, уларнинг мавжуд ҳолатини ўзгартирмайди. Маълум босқичга етганда миқдор ўзгаришлари меъёридан ўтади ва оқибатдан янги сифат ўзгаришларига айланади.

Бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонунидир. Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш жамият ҳаётининг барча соҳалари тараққиётида ҳам рўй беради. Ушбу қонун амал қилиши натижасида кишилик жамияти бир даврдан иккинчи даврга янада ривожланганроқ ва мукамалроқ босқичга томон равақ топиб боради.

Миқдор ўзгаришлар орқали вужудга келган янги сифат албатта қотиб қолмайди, у янги қонуният асосидаги сифат ва миқдор ўзгаришларига айланади. Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш сакраш орқали содир бўлади. Сакраш узлуксиз ривожланишнинг узулиши, тезлашган шаклидир. Узулиш чоғида эски сифат тубдан ўзгариб, янги сифат вужудга келади. Вужудга келган янги сифат мос равишда янги миқдор ўзгаришларни юзага келтиради. Янги миқдор ўзгаришлари ривожланиб бориб, яна янги сифат ўзгаришларига айланади. **Узлуклилиқ** билан **узлуксизлиқ** ўзаро шу тариқа боғланган бўлиб, ривожланиш жараёнининг чексиз равишда содир бўлишини таъминлайди.

Эски сифатдан янги сифатга **портлаш** йўли билан ҳам ўтиш мумкин. Бундай сакраш ёрдамида сифат ўзгариши рўй бериши табиат ва жамиятдаги кўпгина ҳодисаларга хосдир. Портлаш йўли билан рўй берадиган ўзгаришнинг моҳияти шундаки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг табиати, сифати тез сураатлар билан ўзгаради.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Улар: тез сакраш, босқичма– босқич сакраш, изчил ислохатлар, янгиланиш.

Инкорни – инкор қонуни табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиёти жараёнининг моҳиятини очиб беради.

Доимо ривожланишда бўлган нарсалар, ҳодисалар, шунингдек, инсон билимлари, тушунчалари ворислик тамойилига асосланади. Инкорни–инкор борлиқдаги ривожланиш, ҳар қандай янгилик эскининг заминида, унинг ижобий хусусиятларини юқори босқичда барқарорлаштириб, ўзида қолиш, салбий жиҳатларини рад этиш асосида содир бўладиган жараёндир. Мана шу жараённинг такомиллашувини тақозо этаётган нарса ва ҳодисалар биринчи инкор бўлса, уни рад этаётган, юқорилаб бораётган нарса ва ҳодисалар иккинчи инкордир. Тараққиёт, ривожланиш шу тарзда узлуксиз давом этади. Бу қонуният бўлиб, тараққиёт шарти инкорни – инкор қонунидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, синергетика ва диалектика бир-бирини инкор этмаган ҳолда ривожланувчи, маълум маънода бир-бирини тўлдирувчи фалсафий методологиялардир.

1.2. Тилшунослик ва синергетика муносабати

Синергетика дастлаб немис физиги Герман Хакен ва бельгиялик олим Илья Пригожинлар томонидан табиатдаги ходисаларга, термодинамик жараёнларга, лазер нури, молекулалар, суюқликлар, кристаллар, кимёвий структуралар, биологик турларга нисбатан фаол татбиқ этилди.¹ Фандаги янги методология таъсирида кейинчалик С.П.Капица, С.П.Курдюмов, Г.Г.Малинецкий, А.Ю.Данилов, В.В.Кадомцев, Е.Н.Князева каби олимлар ўз тадқиқотларида синергетик ёндашувни ижтимоий, маданий атрибутларга нисбатан қўллаганини кузатиш мумкин. Айниқса, П.Д.Тищенко, В.И.Аршинов, Я.И.Свирскийларнинг ишларида тил феномени ҳам синергетик нуқтаи назардан таҳлил этилиб, унинг ўз-ўзини ташкил этувчи мураккаб тизим эканлиги таъкидланади.²

Бугунги кунда иқтисодий синергетика, ижтимоий синергетика ҳақида фикр юритилар экан, серқирра табиатга эга бўлган тил тизимида ҳам ўзига хос “лисоний синергетика” (“лингвосинергетика”) мавжуд деб мулоҳаза қилиш жоиз бўлади. Бизнингча, лисоний синергетика тилда ўз-ўзини ташкил этишнинг умумий қонуниятларини, лисоний тартиб ва лисоний хаос муносабатдорлигини, тилнинг тадрижий тараққиётидаги типологик ўзгаришлар, янгиланишлар, бошқа сифат босқичига ўтиш жараёнларини бифуркация (ривожланишнинг иккига айрилиши), полифуркация (ривожланишнинг бир неча йўналишга тармоқланиши), аттракция (магнит қутблари каби ўзига тортувчи ривожланишнинг барқарор ҳолати), флуктуация (барқарор қонуниятдан оғиш, четлашиш ҳолати) тамойиллари асосида талқин этишга йўналтирилган парадигмадир. Бунга кўра, ривожланиш бир тартибдан иккинчи тартибга ўтувчи Ҳегел диалектикасидаги каби “чизиқли” йўналишда эмас, балки у

¹ Қаранг: Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М.: Институт компьютерных исследований, 2003. – С. 10-17.

² Қаранг: Капица С., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. – М.: Рипол, 1997. – С. 5; Аршинов В.И., Свирский Я.И. Синергетическое движение в языке // Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. – М., 1994. – С. 36

кўпвариантлик, кўпмуқобиллик, тасодифий ўзгаришлар, беқарорлик хусусиятларига эга бўлган “чизиксиз” характерга эгадир. Бир тил материалида бир неча лисоний типларнинг мавжудлигини, яъни тилларнинг политипологик хусусиятини синергетиканинг “чизиксиз” тараққиёт, бифуркация, аттракция каби тамайиллари билан изоҳлаш мумкин.

Синергетикадан фойдаланиш учун ўрганилаётган тизим очик ва ночизик бўлиши, кўп унсур ва тизимлардан иборат бўлиши (электронлар, атомлар, молекула, тўқима, ижтимоий гуруҳ, шу жумладан **тил** ҳам) мумкин, улар орасидаги ўзаро таъсир факатгина кичик **флуктуацияларга**, аҳамиятсиз, тасодифий ўзгаришларга бой ва ноустувор ҳолатда бўлиши мумкин.

Синергетика парадигмасига кўра тараққиёт узок вақт оралиғида давом этадиган кўп босқичли жараён сифатида тушунтирилади, бунда бифуркация, флуктуация, аттракция босқичларидан ўтиб, тизим барқарор ҳолатга келади. Олимларнинг аниқлашича, чизикли тараққиёт билан биргаликда чизиксиз тараққиёт ҳам мавжуд. Масалага синергетик нуқтаи назардан қаралганда, дунёда ривожланишнинг аксарият қисми чизиксиз тараққиёт динамикасига эга бўлади. Дунёнинг постноклассик манзарасида чизиксизлик ва тартибсизлик воқеликнинг объектив, универсал хусусиятлари деб эътироф этилган, улар ривожланишнинг барча структуравий даражаларида намоён бўлади. Бунда хаос (тартибсизлик) чизиксиз тараққиётнинг устувор белгиси сифатида талқин қилинади ва у деструкция манбаи сифатида эмас, балки моддий ўзаро таъсирларнинг дастлабки беқарорлиги ҳосиласи бўлган ҳолат деб тушунтирилади. Мазкур ҳолат спонтан структурогенезнинг, системанинг янги сифат босқичига ўтишининг сабаби бўлиши мумкин. Буни образли тарзда шундай тушунтирса бўлади: “Маълум бир тошнинг тоғдан тушиши ҳеч нарсага таъсир кўрсатмаслиги мумкин, лекин яна бошқа бирининг тушиши эса қор кўчкисига сабаб бўлиши мумкин”. Синергетика учун кўчкени келтириб чиқарган тош муҳимдир, у тизимнинг эволюциясини кескин ўзгартириб юборди. Энг сўнгги тадқиқотларда хаос шунчаки шаклсиз

масса тарзида эмас, балки ўта мураккаб уюшган кетма-кетлик тарзида баҳоланмоқда. Синергетиканинг асосчиси Г.Хакен хаосга шундай таъриф беради: “Хаос – нодаврий тарзда такрорланиб турадиган, беқарор траекторияларга эга бўлган, замон ва макон кўрсаткичларининг корреляциясига тасодифий тақсимланиш хос бўлган номунтазам ҳаракат”.¹ Демак, синергетик парадигмада хаос система учун аҳамиятли бўлган конструктив функция бажарувчи ҳолат сифатида тушунилади.

Г.Хакеннинг фикрича, дунёнинг механик манзараси XX асрга қадар (квант механикаси ва синергетикага оид қарашлар юзага келгунча) тартибли, “темир” қонунлар асосида юз беради деб тушунтириб келинган. XX асрга келиб тадқиқотлар ва тажрибалар шуни кўрсатдики, дунёдаги ҳодисалар фақат **космос (тартиб)** асосида эмас, балки тартибсизлик (хаос) ва флуктуациялар (қонуниятдан четлашиш ҳолатлар) асосида ҳам ривожланади ва ўз-ўзини ташкил этади. Бундан кўринадики, қадимги Хитой файласуфлари, Г.Хакен ва И.Пригожинлар талқинича, космос ва хаос азалий ёнма-ён ҳодисалардир, улар бир-бирини тақозо қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, табиат ҳодисаларида, борлиқда тартибдан кўра тартибсизлик конструктив аҳамият касб этади. Ушбу ҳолат тилшунослиқда ҳам ўз аксини топган. Яъни, тиллардаги доминант лисоний тип ўша тил типологияси учун космос (тартибли) ҳолатдир, унда бошқа системада доминант бўлган типларнинг ҳам кузатилиши хаотик (тартибсиз) ҳолатдир. Хусусан, ўзбек тили учун агглютинация, синтетизм, суффиксация, реляция ҳодисалари барқарор ҳолат - космос, фузия, аналитизм, префиксация ҳодисалари эса беқарор ҳолат - хаос ҳисобланади. Тадрижий тараққиёт жараёнида муайян тил учун хаотик бўлган белгилар барқарорлик хусусиятига эга бўлиши ҳамда тил структурасига кескин таъсир қилиши мумкин.

И.Пригожин ва И.Стенгерс “Биз янги синтез, табиатнинг янги концепцияси йўлида турибмиз. Балки қачонлардир биз экспериментларга ва формулировкаларга биринчи даражали аҳамият берувчи Ғарб анъаналарини

¹ Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – Москва. Ижевск. 2003. - С. 225.

ва бирданига ўз-ўзида ташкилланувчи дунё ҳақидаги Хитой анъанавий тасаввурларини бирга қўша олармиз”, деб эътироф қиладилар.¹ Бу ўринда олимлар синергетиканинг яна бир муҳим тамойили – коэволюцияни назарда тутганлар. **Коэволюция** бу – тизимнинг ўзаро келишилган ўзгариши ёки бутунликнинг ички бўлаклари ғояси бўлиб, бу тушунча турли биологик турларнинг ҳамкорликдаги эволюциясини ўрганиш, уларнинг структураси ва ташкиллашув даражасида пайдо бўлган. Ҳозирги кунда коэволюция моддий ва маънавий ривожланувчи тизимларнинг эволюцион ўзгаришлари корреляциясини изохлайди. Ушбу атама XX асрнинг 60-йилларида ноосфера атамасининг қулай талқини сифатида қўлланилган. Бунга кўра борлиқнинг умумий қонуни системалар ўртасидаги бирлик, муштараклик ва ҳамкорлик асосида ривожланишни тақозо этади. Демак, борлиқдаги барча системалар коэволюция тамойилига асосланган ҳолда тараққий этар экан, бу мураккаб жараён тил системасига ҳам тааллуқлидир. Биз ўрганаётган масала – тил типлари ҳам, энг аввало, синергетиканинг коэволюция принципига таянади. Бунда юқорида кўриб ўтганимиздек, бир неча лисоний тип бир тилда коэволюцион тарзда намоён бўлади, бу лисоний типларнинг бир-бирига ўтиб, алмашилиб туриши тилнинг очиқ система эканлигини кўрсатади.

Синергетика фалсафасига кўра ижтимоий тизимнинг ҳар бир ҳолати бифуркация ҳолатидир. Буни ижтимоий табиатга эга бўлган тил ҳодисасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Яъни ҳеч бир тилда маълум тип абадий яшамайди, балки тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир тилда муайян типологик ўзгаришлар юз беради. Тилда бир тип унсурлари сусайиб, иккинчи бир тип кучайиб бориш тамойили кузатилган нуқта тил тизимидаги бифуркация ҳолатига мисол бўлади. Масалан, далиллар шуни кўрсатяптики, қадимги инглиз тилида (Old English) фузия тенденцияси устувор бўлган, лекин замонавий инглиз тилида (Modern English) агглютинация тенденцияси кучаймоқда.² Демак, инглиз тилидаги фузион – агглютинативлик белгиси унинг бифуркация босқичида эканлигини кўрсатади. Хитой, мўғул ва араб

¹ Пригожин И. Стенгерс И. Порядок из хаоса: новый диалог человека с природой. – М., 1986. – С. 65.

² Каранг: Good J. Linguistic Universals and Language Change. – Oxford: Oxford University Press, 1964. – P. 54-57.

тилларининг типологик белгиларида турли инновацияларнинг юзага келаётгани¹ мазкур тиллар тараққиётининг ҳам бифуркация ҳолатида эканини, кейинроқ барқарор ривожланиш йўли – аттракция босқичига ўтишини белгилайди. В.М.Солнцевнинг эътирофича, хитой тили материалида изолятивликдан агглютинативликка ва қисман флективликка томон типологик силжиш кузатилмоқда. Бу шуни англатадики, хитой тили морфологик тизими ривожланишнинг бифуркация нуктасида, унда агглютинация муваффақият билан изоляцияни батамом “синдирмасдан” ривожланмоқда, флуктуация сифатида қисман фузион жараёнлар ҳам кузатилмоқда.

Синергетиканинг моҳиятини акс эттирувчи энг муҳим тушунчалардан яна бири флуктуация саналади. Флуктуация бу умумий ҳолдан, барқарор ҳолатдан четлашишни билдиради. Уларнинг икки катта туркуми ажратилади: а) ташқи муҳит яратадиган флуктуациялар; б) тизимнинг ўзида вужудга келадиган флуктуациялар.² Баъзан флуктуациялар жуда кучайиб, тизимни тўла эгаллаб олиши ва моҳият эътибори билан унинг мавжудлик тартибини ўзгартириб юбориши мумкин. Тилшуносликда флуктуацияга типик мисол сифатида сингармонизмнинг ўзбек тили материалида деярли йўқолиб бораётганлигини келтириш мумкин. Чунки сингармонизм туркий тиллар типи учун хос бўлган умумий қонуният ҳисобланади, лекин мазкур ҳодиса ўзбек тилида флуктуацияга учрамоқда. Ёки ўзбек тилида бошқа типга хос белгилар – фузион жараёнларнинг учраши агглютинация типига нисбатан четлашиш ҳолат – флуктуация саналади. Бу каби мисолларни тил системасидан яна кўплаб топиш мумкин. Бу далиллар эса тилшунослик фанини янги парадигма ҳисобланган синергетика асосида методологик рефлексиядан ўтказиш зарур эканлигини кўрсатади. Бу тилшуносликнинг янада ривожланишига кенг имкониятларни очиб беради, унинг истиқболини белгилаб беради ва янгича талқинларнинг юзага келишига туртки бўлади.

¹ Қаранг: Солнцев В.М., Солнцева Н.В. Куда идёт китайский язык // Китайское языкознание: Изолирующие языки: IX международная конференция: Материалы. – М., 1998. – С. 15.; Шарбатов Г.Ш. Соотношение арабского литературного языка и современных арабских диалектов. – М., 1966. – С. 5-7.

² <http://chaos.ssu.runnet.ru>.

II БОБ

ТИЛ ХОДИСАЛАРИНИНГ СИНЕРГЕТИК ПАРАДИГМА АСОСИДАГИ ТАЛҚИНИ

2.1. Тил ходисаларининг синергетика тамойиллари асосидаги талқини

Маълумки, XX аср охирларига келиб, илм-фандаги кескин инқилобий ўзгаришлар тил ходисасига бўлган ёндашувларнинг ва талқинларнинг ҳам янгиланишига олиб келди. Бу жараёнда, айниқса, синергетика фалсафасининг тилшуносликка таъсири алоҳида ўрин тутди. Б.Гёрцелнинг ёзишича, синергетика барча фанлар учун ўзига хос тадқиқот парадигмаси сифатида методологик аҳамият касб эта бошлади.¹ Бугунги кунда синергетика ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида, хусусан, тилшунослик фанига ҳам илмий парадигма сифатида шиддат билан кириб келмоқда. Тилшуносликда синергетик парадигмага асосланган ҳолда В.Аршинов, Я.Свирский, И.А.Герман, Г.Г.Москальчук, Б.Гёрцель, Н.И.Бялоус² каби олимлар махсус тадқиқотлар олиб борган. Синергетик парадигма борлиқдаги тараққиёт механизмларини, микроэволюция, макроэволюция, глобал эволюционизм жараёнларини рационал тушунтиришга йўналтирилган илмий парадигма ҳисобланади. Олимлардан В.Аршинов, Я.Свирскийлар тил тизимида синергетик ҳаракат мавжудлигини таъкидлайдилар. И.А.Герман эса ўзининг “Нутқий фаолият ўз-ўзини ташкил этувчи жараён сифатида” номли тадқиқотида нутқ жараёнида лингвосинергетик парадигманинг амал қилиши ҳақида махсус тўхталган. Бунда олим нутқ жараёнидаги спонтан (тасодифий) ўзгаришларни, нутқнинг систем табиатини аниқ мисоллар таҳлили ёрдамида

¹ Қаранг: Goertzel B. Chaotic Logic: Language, Mind and Reality from the Perspective of Complex Systems Science. Plenum Press, 1994. - P. 6.

² Қаранг: Аршинов В.И., Свирский Я.И. Синергетическое движение в языке // Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. - М., 1994; Герман И.А. Речевая деятельность как самоорганизующаяся система (к становлению лингвосинергетической парадигмы). - Барнаул, 1999; Москальчук Г.Г. Структура текста как синергетический процесс. - Барнаул, 1999; Goertzel B. Chaotic Logic: Language, Mind and Reality from the Perspective of Complex Systems Science. Plenum Press, 1994; Бялоус Н.И. Принципы фрактальности в структуре художественного текста // Лингвистические парадигмы и лингводидактика. - Иркутск, 1997.

синергетик нуқтаи назардан талқин қилган. Г.Г.Москальчук ўзининг “Матн тузилиши синергетик жараён сифатида” номли монографиясида матн, уни ташкил этувчи унсурлар, матн ва дискурс муносабати, матн таркибини синергетик парадигма тамойиллари асосида чуқур таҳлил қилган. Б.Гёрцель эса тил тизимида синергетик парадигманинг мавжудлигини тил ва мантик алоқадорлигида илмий асослаб берган. Л.Киященко тилнинг синергетик табиатини, ўз-ўзини ташкил этувчилик хусусиятини фалсафий аспектда мукамал талқин этган. Номи зикр этилган олимларнинг тадқиқотларидаги таҳлил усулларига эргашган ҳолда лингвосинергетик парадигма ҳақидаги ўз мулоҳазаларимиз баён этамиз.

Тил турли лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида ўз-ўзини ташкил этади, ўзининг серқирра функционал имкониятлари билан турли презентация ва репрезентацияларни юзага чиқаради. Тил тизимида синергетик парадигманинг намоён бўлишини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

1. Синергетик парадигмага кўра тизимнинг мунтазам ўзаро таъсирлашиб туриши, очик бўлиши талаб этилади. Тил очик тизим сифатида ижтимоий муҳитда узлуксиз ўзаро таъсирлашув ҳисобига тараққий этади, янги лисоний структураларни яратади. Бу жиҳатдан тил синергетик парадигма талабларига тўла мос келади. Тил тарихий тараққиёт жараёнида мавжуд белгиларни йўқотиши, янги хусусиятлар касб этиши, аввалги ҳолатдан тубдан фарқ қилувчи янги структуралар ҳосил қилиши мумкин. Масалан, ҳинд-европа тилларининг бундан икки-уч минг йил олдинги келишик флексиялари, фузия билан характерланадиган мураккаб морфологияси, кучли синтетизм тенденцияси каби белгилари ўз ўрнини янги структураларга – агглютинация, аналитизм тенденцияларига бўшатиб бермоқда. Ҳинд-европа тиллари морфологияси тизимида янги структураларнинг пайдо бўлаётгани тилларнинг диссипатив структуралар сифатида синергетик парадигма тамойилларига мувофиқ ривожланиш тенденциясига эгаллигини тасдиқлайди. Мазкур жараён қуйидаги хронологик жадвалда яққол кўрсатилган.

*Ҳинд-европа тилларида келишиклар миқдори динамикасини
кўрсатувчи хронологик жадвал¹*

Вақт оалиғи	Кельт. т.	Славян т.	Итальян т.	Ҳинд т.	Эрон т.	Грек т.
Мил авв. 1000	6-7	8	7	8	7	7
Милодий I аср	6	7	6	8	5	4-5
1000	5	5	7	3-5	2	4
2000	1-4	1-3	5-7	1-2	2-9	4

Ушбу жадвалдаги миқдорий кўрсаткичлардан шуни англаш мумкинки, тарихий тараққиёт жараёнида ҳинд-европа тилларида келишиклар тизими синергетик парадигмага асосан флуктуацияга учраб борган. Аста-секинлик билан флуктуация келишиклар тизимига таъсир қилиб борган, натижада бифуркация механизми ишга тушган, флектив қурилмалар ўрнини аналитик шакллар эгаллаб, фузияга нисбатан агглютинация устуворлик қила бошлаган.

2. Тил контактлари таъсирида шаклланадиган креол ва пижин тиллар типи (креоллашув ва пижинлашув жараёни) ҳам синергетик парадигма асосида юз беришини таъкидлаш лозим. Бунда янги креол ёки пижин тил **диссипация** (инглизча “dissipate” – “тарқалиш”, “сочилиш” маъносини англатади; синергетиканинг асосий тамойилларидан биридир, бунда бир структурадан янги структуранинг пайдо бўлиши тушунилади) қонуниятига мувофиқ шаклланади. Креоллашув жараёнида тил янги типологик тизимга эга бўлади, флуктуация, бифуркация, диссипация асосида тил бир тартибдан бошқа бир тартибга ўтади, бунда икки ёки ундан ортиқ тилларнинг корпоратив таъсирлашуви муҳим аҳамият касб этади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, янги сифат босқичига ўтиш жараёнининг қачон юз беришини олдиндан айтиб бўлмайди.

3. Тилшунослик тарихида тилнинг эволюцион тараққиёти ва динамикаси хусусида турли хил фикрлар, қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Дастлаб XIX асрда уч тараққиёт фазаси – аморфлик ⇒ агглютинативлик ⇒

¹ <http://language.babayev.net/sinus.html>

флексивлик босқичлари кўрсатилди. XX асрга келиб, тилларнинг стадиал таракқиёти флексивлик $\Rightarrow$ агглютинативлик $\Rightarrow$ аморфлик тарзида юз беради деб белгиланди.¹ Ҳар икки қараш вакиллари ҳам ўзининг ишонарли далиллари билан фикрини исботлаган. Шу ўринда айтиш зарурки, лисоний типларнинг стадиал таракқиёти йўналиши муайян тил мисолида текширилса, синхрон аспект ва диахрон аспектдаги ҳолат бир-биридан фарқланади. Мазкур масалага синергетик парадигма нуқтаи назаридан ёндашилса, унинг айрим муаммоли жиҳатларига ечим топилади. Лисоний типларнинг таракқиётини соддадан мураккабга қараб боровчи “чизикли” йўналишда деб талқин қилиш, бизнингча, бир томонлама ёндашув ҳисобланади. Лисоний типлардаги ўзгаришларни кузатадиган бўлсак, уларнинг “ночизик” таракқиёт траекториясига эга бўлиши аён бўлади. Мазкур ҳолатни қийшиқ синусоидга ўхшатиш мумкин, яъни бир лисоний тип маълум вақт доминантлик қилади, тадрижий равишда у “эгри чизик” динамикаси бўйича таракқий этади, бу эса у билан бир қаторда бошқа лисоний тип ривожланаётганлигини кўрсатади. Муайян вақт оралиғида аввалги доминант лисоний тип ўрнини факультатив лисоний тип эгаллайди, кейинчалик ушбу тип ҳам бошқа лисоний типга ён беради. Шу тарзда лисоний типлар барқарорлик-беқарорлик, устуворлик-ноустуворлик, тартиб-тартибсизлик каби синергетик парадигманинг асосий тамойиллари асосида ривожланиш траекториясига эга бўлади.

4. Хитой, вьетнам тиллари морфологик таснифга кўра ўзакли тиллар сирасига киради, уларнинг асосий белгиси **моносиллабизм** (бу тилларнинг лексиконида бир бўғинли сўзлар етакчилик қилади) ҳисобланади. Шуниси қизиқки, мазкур тилларда ҳозирги кунда **полисиллабизм** унсурлари кўплаб кузатилмоқда², ясама сўзлар, қўшма сўзларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бу эса Жануби-Шарқий Осиёдаги тиллар морфологиясида янги мураккаб структураларнинг юзага келишига олиб келмоқда. Ушбу тилларда айрим

¹ Қаранг: McMahon. Understanding of Language Change. – Cambridge: Cambridge University Press, 2001. - P. 21.

² Қаранг: Солнцев В.М. Типологические свойства изолирующих языков (на материале китайского и вьетнамского языков) // Языки Юго-Восточной Азии. Проблемы морфологии, фонетики и фонологии. – М., 1970. - С. 12.

типологик ўзгаришларнинг юз бераётганлиги тилнинг синергетик парадигма асосида ривожланишини яна бир қарра исботлайди.

5. Фузия лисоний типни туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили учун ноустувор ҳолат саналади, лекин ушбу беқарорлик тил системаси учун аҳамиятсиз эмас. Чунки лингвосинергетик парадигмада айти шундай факультатив жараёнлар, беқарор ҳолатлар жуда муҳим аҳамиятга молик ҳисобланади, уларни янги тартиб ва структураларнинг шаклланишига замин яратади дея ижобий баҳолаш мумкин. Бу ҳақида Е.Н.Князева шундай ёзади: “Беқарорлик очиқ тизимларда тубдан янгиланишларга олиб келади. Умуман олганда, агар беқарорлик бўлмаса, демек, тараққиёт ҳам йўқ. Беқарорлик ривожланишни билдиради ёки бошқача айтганда, тараққиёт беқарорлик, тасодифий ҳолатлар, флуктуациялар асосида амалга ошади”¹. Табиийки, тизим ичида беқарорлик, флуктуация бўлмаса, унда ўзгариш динамикаси кузатилмайди, айнан флуктуациялар ўша тизимнинг тараққиётини таъминлайди. Шу маънода тилда ҳам лисоний типлар узлуксиз тарзда барқарорликдан беқарорликка ёки аксинча алмашилиб туради.

Тилшунослик тарихида тилларнинг қиёсий – тарихий ўрганилиши дастлаб тилларнинг софлиги ҳақидаги илмий фараз (гипотеза)га, дунё тилларининг ҳаёти дастлабки таркиб ва қурилишда турли йўналишларда абадий ва ўзгармас оқимда аралашмаган ҳолда кечади деган қарашга асосланган эди. Айти шундай мулоҳазалар йирик илмий тадқиқотларда ҳам айтилган. Олимлардан Бругман ва Делбрюклар ҳам ўзларининг тадқиқотларида шу фикрни бир неча этимологик жиҳатдан яқин бўлган сўзлар асосида исботлашга ҳаракат қилганлар.² Таҳлилга тортилган мисоллар тилнинг бутун луғат бойлигини (лексиконини) қамраб олмаган. Ҳаммага маълумки, келиб чиқиши ва аслича ўша тилга мансуб бўлган сўзлар ҳар қандай тил луғатида учрайди, лекин фақат ўша сўзлардан келиб чиқиб,

¹ Князева Е.Н. Случайность, которая творит мир // В поисках нового мировоззрения: И.Пригожин, Е.Н.Рерихи. – М.: Знание, 1991. – С. 18.

² Қаранг: Бодуэн де Куртенэ И.А. О смешанном характере всех языков. Избранные труды. – М., Т. 1. – С. 362.

тилнинг софлиги ҳақидаги таги пуч ғояларни илгари суриш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди. Далиллар дунё тилларининг ҳаммаси бир - бирига таъсир қилишини, доимо ўсиш ва ривожланишда эканлигини, узлуксиз тараққиётда бўлишини тасдиқлайди. Бошқа тилга мансуб бегона унсурларнинг муайян тилда кузатилиши, сўз ўзлаштириш жараёни, калкалар, ҳар қайси тилда варваризмларнинг мавжудлиги тилларнинг ўзгарувчан ва мураккаб динамик очиқ система (инерт ҳодиса эмаслигини) эканлигини билдиради. Ўзбек тилида араб, форс-тожик, мўғул, рус, инглиз тилларидан ўзлашган сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу ўзбек тилининг лексиконини ташқи омиллар ҳисобига бойишига олиб келган. Гарчи ушбу ёт унсурлар ўзбек тилига ниҳоят даражада ассимиляциялашиб кетган бўлса ҳам, ўзлашмаларда бегона тиллар таъсири борлиги сезилиб туради. Умуман олганда, тилларнинг софлиги ҳақидаги ғоялар илмий жиҳатдан етарли асосга эга эмас ва хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Бугунги кунда тилшуносликда ҳеч қайси тилнинг соф эмаслиги, дунё тилларининг аралаш табиатга эғалиги ҳақидаги илмий тезис олимлар томонидан кенг эътироф этилган. Унгача тилшунос олим Гуго Шухардт 1885 йилда “О фонетических законах” (“Фонетик қонуниятлар ҳақида”), 1900 йилда “О классификации романских диалектов” (“Роман диалектлари таснифи хусусида”), “К вопросу о языковом смешении” (“Тилларнинг аралашуви масаласи ҳақида”) номли тадқиқотларида, И.А.Бодуэн де Куртенэ 1901 йилда эълон қилган “О смешанном характере всех языков” (“Барча тилларнинг аралаш табиатга эғалиги тўғрисида”) мақоласида ҳар қандай тил ҳеч бўлмаганда минимал даражада аралаш табиатга эғалиги ҳақида ягона хулосага келдилар.

Ареал тилшуносликдаги етакчи ғоялардан бири лингвистик узлуксизликдир. Яъни тил ёки шевалар ўртасида аниқ чегаралар мавжуд бўлмай, ҳар бир тил ёки шевани иккинчисига нисбатан оралиқ шева деб қабул қилиш мумкин. Лингвистик ҳодисалар аста-секинлик билан жойдан жойга ўзгаради. Бу ғояни лисоний типларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Чунки лисоний тип ҳеч бир тилда соф ҳолатда кузатилмайди, улар бир-бирига ўтиб

туради, узлуксиз тарзда типлар бир-бирида намоён бўлади. Бу тилларнинг синергетик парадигма асосида ривожланишини кўрсатади. Лингвистик узлуксизлик назарияси буюк немис тилшуноси Иоганн Шмидтнинг “тўлқин назарияси”¹ асосида шаклланганлиги шубҳасиздир. Маълумки, И.Шмидтнинг тўлқин назарияси ҳинд-европа тилларининг келиб чиқишини тушунтирувчи жўн назарияга қарши ўлароқ майдонга келган эди. У Август Шлейхернинг бобо тил концепциясини инкор этади. Унинг талқинича, ҳар бир инновация марказдан тарқалаётганда, аввало географик жиҳатдан яқин ҳудудларни (ядро), сўнгра чекка (периферия) ҳудудларни қамраб олади. Бу худди сувга тош ташлаганда ҳосил бўладиган тўлқинчаларни эслатади. Шунга мувофиқ ўзбек тили учун агглютинация ядро нукта ҳисобланса, фузия, инкорпорация типлари периферик нукта сифатида баҳоланиши мумкин.

2.2. Синергетика ва тил морфем қурилишидаги асимметрик жараёнлар

XX асрда, айниқса, унинг иккинчи ярмида табиий ва ижтимоий фанлардаги ютуқлар натижаси ўлароқ, объект ва субъект, маънавийлик ва моддийлик, тадқиқотчи ва тадқиқ объекти, кузатувчи ва асбоб, табиат ва жамият, инсон ва табиат, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндошув шакллана бошлади. Унинг моҳияти шундан иборат бўлдики, фан ва фалсафанинг ўзаро муносабати, фақат зиддият, қарама-қаршилик антагонизми орқали ифодаланмайди, балки улар ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, бирликка асосланган деб фикр юритишни тақозо қилади. Синергетика жамият, инсон ҳаётида, фан тараққиётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилишга ҳаракат қилувчи илмий йўналиш сифатида пайдо бўлди. Синергетиканинг энг муҳим томони

¹ Қаранг: Серебrenников Б.А. Общезыковедческие аспекты теории волн Иоганна Шмидта // Ареальные исследования в языкознании и этнографии. – Л., 1975. - С. 5.

шундаки, у ижтимоий ва ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлаштиришга хизмат қилади.

Синергетика тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат, мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги қонуниятга, тартиблилик билан тартибсизлик, нозизиқлилиқ билан чизиқсизлик орасидаги алоқадорлик шаклининг мазмунига таянади. Кейинги вақтларда, айниқса, беқарорлик ва барқарорлик тушунчаларининг ўзаро муносабати кўп тилга олинмоқда. Синергетика мактабининг асосчиларидан бири — И. Пригожин «Беқарорлик фалсафаси» асарида ўзининг бунга оид қарашларини асослайди. Олимнинг фикрича, шу вақтга қадар беқарорлик тушунчасига етарли эътибор берилмаган. Бугунги замон фани беқарорликни барқарорликни муҳим бир жиҳати деб ҳисоблайди. Масалан, маятник ҳаракатига эътибор берсак, унинг бир меъёрида тебранишини кузатиш мумкин, агар маятникни тўхтатсак, у дастлабки барқарор ҳолатга қайтади, агар тўхтатиб қўйсак, у ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради. Бу беқарорлик ҳолатидир.

Тил морфем қурилишида ҳам шакл ва мазмун номуносаблиги ҳодисалари узлуксиз юз бериб туради. Бу хил ўзгаришлар тилнинг бошқа сатҳлари бирликлари маъно-вазифасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мутахассисларнинг қайд этишича, **биз айтганимиз йўқ, сиз ўқишингиз керак** каби қурилмалар аслида **бизнинг айтганимиз йўқ, сизнинг ўқишингиз керак** каби қурилмалардан ўсиб чиққан: қаратқич келишигидаги сўз бош келишиқ шаклига ўсиб чиққан, эга (айтганимиз, ўқишингиз) асли кесим йўқ, керак сўзлари билан бирикиб, мураккаб кесимга айланган (**айтганимиз йўқ, ўқишингиз керак**), эгалик қўшимчалари (-имиз, -нгиз) эса турловчидан тусловчига айланади.¹

Тил кишилиқ жамияти тараққиёти эҳтиёжларига мослашиб, бойиб борадиган ҳозиржавоб қурилма бўлганлигидан, унинг синхрон тизимида аввалги давр бирликлари ҳам турли вазифаларда яшашда давом этади.

¹ Ғуломов А. Ғ. Морфология (кириш). Ўзбек тили грамматикаси, II томлик, I том, Тошкент, 1975. — Б.88-90.

Қадимги туркий тил ва эски ўзбек тилида жуда фаол қўлланган -ги, -гу (ҳозирги-келаси замон сифатдоши) қўшимчаси кейинги даврларда фаоллигини йўқотиб, баъзи шакллар таркибига сингиб олган. Ана шундай шакллардан бири -ги кел- (боргим келди, ўқигим келади, айтгим келади) аналитик шаклидир.

Проф. А.А. Юлдашевнинг кўрсатишича, -ги кел- шакли аччиғи кел (моқ) кўринишидаги от ясалмаларга сезув-туйғу феъллари яшашдаги ўхшашлиги асосида юзага келади¹. Ихтиёрсиз истак билдирувчи феъл шакллари ҳосил қилувчи (уйқуси келмоқ, айтгиси келмоқ) -ги кел- аналитик формантли қолип мунтазам қолипга айланади. Аслида -ги кел- шакли ҳам юқорида қайд этилган менинг боргим келади кўринишидаги қурилмаларнинг кейинги қисқаришидан пайдо бўлади: қараткич келишигидаги сўз бош келишик шаклига кўчади, эга эса кейинги феъл сўз билан кесимга айланади. Шуниси ҳам муҳимки, бу қурилмалардаги эгалик қўшимчалари- боргим келади, боргинг келади, боргиси келади, боргимиз келади, боргингиз келади, боргилари келади—аналитик шаклнинг (-ги кел-) ўртасига қўшилиб қолади, бу қўшимчалар отлик белгиларини унутиб, феъл шакллари- тусловчилар мақомини касб этган. Шу ўринда аналитик шаклнинг иккинчи қисмидаги -ади шакли мавқеига ҳам ойдинлик киритиш зарур. Деярли барча грамматика ва илмий ишларда -ади шакли феълнинг III шахс бирлиги шакли деб кўрсатилади. Шу қурилмада эгалик қўшимчалари тусловчилар вазифасини бажариб, тегишли шахс-сон маъносини ҳам вужудга келтиради. Бу ўринда -ади шаклида -а ҳозирги -келаси замон маъносини билдиради, -ди эса аслида турур феълнинг қолдиқ шакли бўлиб, шахс-сон категориясига бирор даражага алоқадор эмас. Солиштиринг: *боргиси кела турур боргиси келадур* > *боргиси келади*. Демак, III шахсда шахс-сон маъноси ноль морфема орқали ифодаланади, бошқа туркий тилларда турур шаклининг

¹ Юлдашев А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. М.: «Наука», 1965. – С.103.

кискариши янада чуқурлашган: қирғиз тилида *баргиси келет*. Татар тилида эса тамомила тушиб қолади: *баргиси кела-*.

Тил мазмун сатҳидаги ўзгаришлар морфемалараро чегараларнинг ҳам қайта белгиланишига олиб келади. Энг муҳим хусусиятлардан бири шундаки, уларнинг маъно-вазифасини, қайси категорияга тааллуқлилигини аниқлашда қийинчилик туғилади. Ҳозирги ўзбек тилидаги -гудек, -гудай (арзигудай баҳо, мактагудай кўрк, ўлгудай дангаса, еб қўйгудек тикилмоқ, боргудай бўлмоқ) қўшимчаси сифат, равиш, равишдошга хос белгиларга эга бўлиб, тадқиқотчилар уни равиш ясовчи (А.М.Боровков, З.М.Маъруфов) деб баҳолайдилар. Проф. А.П.Ҳожиёвнинг кўрсатишича, -гудек шаклида равишдошларга хос белги кучлироқ бўлса ҳам, уни “умуман белги билдиришига хосланган” шакл дейиш мумкин¹.

-гудек/-гудай шакллари келаси-замон сифатдош шакли -гу ҳамда ўхшатиш-қиёслаш маъносини билдирувчи - тек//_-дек, -дай шакллари яхлитланишидан ҳосил бўлган²; -гу шакли фаол қўлланган даврда бу шаклларнинг бирикуви нисбатан эркин бўлиб, -дек / -дай қўшимчалари предикатив позицияда келаси замон сифатдоши маъносидаги тахмин-ўхшатиш, чамалаш- қиёслаш жиоларини кучайтирувчи факультатив бирлик вазифасини бажарган; -гу қўшимчаси маъно-вазифасидаги чекланганлик XV асрдаёқ сезиларли тус олади. Шунинг учун ҳам -гудек бирикмаси яхлит бир бутунликка айланиб, эски ўзбек тилининг мунтазам шакллари қаторидан ўрин олади. Бу шаклнинг хусусиятларига А.Навоий ҳам махсус эътибор бериб шундай ёзади: “Яна бир навъ иборат ва адолари борким, бировдин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбатгуна берурлар, йўққи таҳқиқ юзидин, балки мазанна ва гумон ҳайсиятидин, аммо мунда диққат кўпдур. Андоққи, боргудек ва ёргудек ва келгудек ва билгудек ва айтгудек ва қайтгудек ва ургудек ва бу форсийда бўлмас”³.

¹ Ҳожиёв А. Феъл. Тошкент, 1973. – Б.188

² Кононов А. Н. О фюзии в тюркских языках “Структура и история тюркских языков”. М.: “Наука”, 1971. – С.13-14.

³ Навоий А. Асарлар, “Муҳокаматул-луғатайн”, 14-том, Тошкент, 1967. – Б. 117.

Мирза Меҳдихон -гудек шаклли ясалмалар салурдек, кўзгалурдек каби курилмаларга маънодош (синоним) эканлигини қайд этади [61.112-бет]. Лекин -ур кўшимчасининг кейинга даврларда ҳам фаол қўлланилганлиги -ур+дек бирикмасининг яхлит кўшимчага айланишига имкон бермаган.

Ўзбек тили морфем курилишида юз берган ана шундай шакл ва мазмун номутаносиблиги даставвал маъно омиллари туфайли юзага келади. Ана шу омил морфемаларнинг маъно-вазифасида хилма-хил ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан, структур номутаносибликни атрофлича ўрганиш ўзбек тили тараққиёти қонуниятларини тўлароқ англашга имкон яратади.

Бошқа тил сатҳларида бўлгани каби морфемика бирликлари ҳам мазмун ҳамда ифода сатҳларининг мураккаб муносабатидан таркиб топади. Морфемика сатҳида ҳам иррационаллик (Ф.де Соссюр) ёки асимметрия (С.О.Карцевский)нинг турли кўринишлари мавжуд: “Агар тил механизми тўла рационал бўлганда эди, уни нарсга ўзида (вещь в себе) каби ўрганиш мумкин бўлар эди”¹. Албатта, тилнинг моҳияти ҳар қандай қолип, андаза ва қоидага нисбатан бой ва кўп қирралидир. Ана шундай боғланишлар тил системасида амал қилувчи, ўз қонуний асосига эга бўлган асимметрик дуализм жараёни билан изоҳланади.

Синтагматик пландаги симметрия нутқ занжирида ифода сатҳи ва мазмун сатҳи тенгма-тенг (параллель) тарзда белгиланишини тақозо этади, яъни ифодаланувчи (мазмун-м) ва ифодаловчи (шакл-ш) лар миқдори мос келади:

Ифода сатҳи	Ш ₁ + Ш ₂	Ш ₃ + Ш ₄

Мазмун сатҳи	М ₁ + М ₂	М ₃ + М ₄

теримчилар	тер — + им	+ чи + лар
	ҳаракат	натижа оти шахс оти кўплик

¹ Соссюр Ф.де Курс общей лингвистики. – Труды по языкознанию. – М., 1977. – С. 165.

Синтагматик йўналишда симметрия (уйғунлик)нинг йўқолиши бир неча хил номутаносибликни юзага келтиради:

1. Туркий тилларда ўзбек тилида бир қанча грамматик категорияларда қўшимчалар бирдан ортиқ грамматик маъноларни ифодалайди: -(и)м (китобим) эгалик қўшимчаси ҳам 1 шахс, ҳам бирлик маъносини яхлит ҳолда (Е.И.Шендельсда: синхрон кўп маънолилик) билдирса, - ман (ўқийман), -к (келдик) шакллари ҳам худди шундай хусусиятга эга: бу морфемалар ҳам 1 шахс, бирлик; 1 шахс, кўплик маъноларини англатади, яъни ифода сатҳига тегишли бир бирлик, мазмун сатҳига тегишли икки бирликни акс эттиради: майл категорияси шакллари ҳам таркибида бир неча мазмун бирлигини ташиб кела олиш қобилиятига эга: -(а) й (борай, келай): 1 шахс, бирлик.

2. Ўзакка бирин-кетин қўшиладиган аффиксал морфемалар ва уларга вазифадор бирликлар синтагматик жиҳатдан шакл ва мазмун уйғунлигига эга бўлавермайди. Худди қўшма, жуфт сўз, полипредакатив гапларда бўлгани каби тил тараққиёти туфайли алоҳида ифодаланиши мумкин бўлган мазмун бирликлари морфемикада қўшма аффикслар ҳамда аналитик шакллар таркибида яхлит мазмун ифодасига эга бўлади (бу мазмун идиоматик ва идиоматик бўлмаган турларга бўлинади). Натижада синтагматик йўналишдаги таҳлилда шакл ҳамда мазмун номувофиқлиги, ифода сатҳи бирликларининг мазмун сатҳи бирликларига нисбатан миқдор ортиқлиги ҳодисаси юз беради. Айни шу ўринда аффиксларнинг қатор келиши икки хил ҳодиса, икки хил жараёнга нисбатан ҳосланиши зарур: аффиксларнинг қатор келиши ҳам, уларнинг қўшилиши ҳам сўз таркибига алоқадор ҳодисадир. Лекин улар морфемаларнинг миқдори жиҳатидан фарқланади: аффиксларнинг қўшилишидан битта морфема ҳосил бўлса, аффиксларнинг қатор келишида бир неча аффиксал морфема мавжуд бўлади.

Қатор келган аффиксларнинг ёки бирор мустақил сўзнинг янги маъно-вазифа қиймати билан парадигматик қаторларга тортилиши ва парадигматик қутб бирлигига айланиши янги аффикс—қўшма аффиксни ҳосил қилади. Масалан, **келмоқда**, **келмоқчи** шаклларида қатор келган — моқ+да, моқ+чи

аффиксларининг замон ва майл категориялари парадигмасига тортилиши эски ўзбек тилидаёқ бошланган. Қаранг: “Ўғузнама” да: **ичагусин йемакта турур...**

Маълумки, қўшма, жуфт, такрор сўз, сўз бирикмаси, гап (содда гап, қўшма гап) андазалари узоқ тарихий даврларнинг маҳсулидир. Жумладан, морфологик категориялар, сўз ясашишидаги қолиплар ҳам бундан мустасно эмас. Тил қолиплари ва уларнинг маҳсули бўлмиш бирликлар (хоҳ у содда бўлсин, хоҳ у қўшма бўлсин) хотирада яхлит ҳолда сақланувчи, шу тарзда намоён бўлувчи бирликлардир, **Иккиланмоқда, иккиланмоқчи** сўз шакллари синтагматик жиҳатдан икки-ла-н-моқ-да, икки-ла-н-моқ-чи каби ажратиш ҳам мумкин. Лекин бу тилнинг диахроник табиати, тил системаси бирликлари парадигматик муносабатларни ҳисобга олмаслик, тил тараққиётини инкор этиш натижаси сифатида амалга ошадиган ажратишдир. Негаки, юқоридаги ажратиш тарихий ажратиш бўлиб, ҳозирги тилда -лан (иккилан, шодлан) яхлит қўшма аффикс мақомини касб этган (**иккила-, шодла-** каби ясалмалар йўқ, шунинг учун ҳозирги тилда **икки-ла-н** эмас, балки **икки-лан** тарзида қисмларга ажратиш тўғри); **моқда, - моқчи** қўшма аффикслари маъно-вазифа жиҳатидан замон (ҳозирги замон), майл (мақсад майли) кўрсаткичларига айланиб, мунтазам ишлатиладиган қолип бирликларидир. Маълум андазалар асосида ҳосил бўлган қўшма бирликлар ҳар гал нутқда тузилади, нутқ жараёни тамом бўлгач, ташкил этувчи қисмлари яна хотирага қайтади деб талқин этадиган бўлсак, тоғолча, кунгабоқар, босволди, кирди-чиқди (эси кирди-чиқди бўлмоқ) қисмлари (тоғ, олча; кун-га, боқ-ар: бос-иб, ол-ди; кир-ди, чиқ-ди) ҳар бир сўзловчи томонидан ҳар гал янгидан тузилади деб эътироф этишга тўғри келар эди. Лекин юқоридаги қўшма сўзлар ўз номинатив-семасиологик белгисига кўра яхлит тил бирлигидир, шу сабабдан, улар ҳар гал нутқда тузилмайди. Худди шунингдек, ташқи томондан қисмларга ажраладигандек туюладиган - **моқда, -моқчи, -чилик, -гарчилик** каби бирликлар нутқда тайёр ҳолда тегишли асосларга қўшилаверади: хусусан, -чилик аффикси -чи морфемаси қўшила

олмайдиган асосларга қўшилиб, мавҳум от ясайди: **деҳқон+чилик** (деҳқон+чи ясалмаси йўқ), **косиб+чилик** (косиб+чи ясалмаси йўқ), **уста+чилик** (уста+чи ясалмаси йўқ)... Қаранг: ёғин+гарчилик ясалмасида ҳам ёғин+гар, ёғингар+чи каби ясалмалар ҳозирги тил учун табиий ҳодиса эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бирдан, тездан, илгаридан, олдиндан, ичкари, яраша, кишин-ёзин каби формаларга нисбатан “сўз ёки сўз формаси морфемаларга бўлингани ҳолда функционал қисмларга бўлинмаслиги мумкин” дейилиши тарихийлик ва тилнинг ҳозирги ҳолатини тўғри фарқламаслиқдир. Бу шакллар морфем жиҳатдан ҳам маъноли қисмларга – функционал бирликларга ажралмайди, бу ўринда морфологик яхлитланиш – маъно ва шакл яхлитлиги - соддаланиш ҳодисаси юз берган.

Ўзбек тилида агглютинация туфайли мустақил сўзлар парадигмалар ихтиёрига тортилиб, қўшимчаларга айлана боради. Бу жараён кўпроқ феъл сўз туркумига хосдир. Чунончи, - яп, -япти, - ётиб, -диган каби аффикслар ётиб, ётибди, тур (турғон) шакллариининг қисқаришидан ҳосил бўлган. Бу шаклларда сўз таркибининг кейинги қисмлари аффикслашиш жараёнини ўтаган бўлса, обор (олиб бор), обер (олиб бер), обчик (олиб чик), обке (олиб кел), обкўр (олиб кўр) сингари шаклларда сўз таркибининг олдинги қисмлари ана шу жараённи бошдан кечирган (бундай шаклларнинг қайта ўзгаришида нутқ тазйиқининг кучли таъсири бор). Мазкур қисқарган шакллар оғзаки нутқ морфемикаси бирликларидир.

Аслида -диган (бара турурғон), -ётган (ётирган) қўшимчалари феъл аналитик шакллариининг қисқаришидан пайдо бўлган сифатдош шакллариidir; -ган сифатдош шакли атрибутив шакл сифатида феълнинг замон шакллариidan сўнг шахс-сон қўшимчалари эгаллайдиган позицияда кела олмайди (ишла-й-ман, ишла-й-сан, ишлай-ди - ; ишла-й-миз, ишла-й-сиз, ишла-йди-лар: III шахсдаги -ди элементи аслида турур шаклининг қолдиғидир: ишлайдурур- ишлайдур- ишлайдир: ишлайди: айти шу йўл замон кўрсаткичининг шаклланиш йўлидир. Демак, дарслик ва илмий

манбаларда ишлайди кўринишидаги шакллардан -ди шахс-сон кўрсаткичининг ажратилиши юзаки тасаввур натижаси бўлиб, ушбу ўринда шахс-сон маъноси ноль морфема воситасида ифодаланади: ишла-й-ман, ишла-й-сан, ишла-йди-, -ди эса “қолдиқ” шаклдир. Мазкур ҳолат замон асосларига -ган аффиксининг кўшила олмаслигидан далолат берувчи муҳим белгидир.

Шуниси характерлики, айрим яхлит тил бирлиги – кўшма аффикс қисмлари орасида маълум вазифадаги мустақил аффикс пайдо бўлиши мумкин: жумладан, равишдошнинг – гунча ..., - ганча аффиксли шаклида шундай ходиса кузатилади: келгунча, келгунимча, келгунингча, келгунича; келгунимизча, келгунингизча, келгунларича; келганча – келганимча, келганича ...

Айни шу ҳолат – ги – кел аналитик форманти таркибида ҳам кузатилади; кўргим келди, кўргинг келди, кўргиси келди, кўргимиз келди, кўргингиз келди, кўргилари келди.

Проф. Ш. У. Раҳматуллаевнинг фикрича, орага эгалик қўшимчасини “киритиш мумкинлиги” – гунча яхлит аффикс эмаслигини исботлаб туради: - гун+им+ча. Мураккаб аффикс ичига форма ўзгартирувчи аффиксни киритиб бўлмаслиги – аксиома”¹. Олимнинг қайд этишича, - гун+ча, ган+ча таркибидаги –дек аффикс тусини олган кўмакчилар бўлиб, ўзи қўшилган сўздан чизиқча билан ажратилиши ва шундай ёзилиши лозим: келгун-ча, уйга-ча, сен-дек. Бунга ушбу формаларнинг кўмакчи – сўзлар (қадар, каби, сингари) билан синонимияси ҳам имкон беради.

Маълумки, ўзбек тилшунослиги ва туркийшуносликда – гунча шакли – ганча шаклининг товуш ўзгаришидан (- гунча< - ганча) пайдо бўлган, деган фикр кенг тарқалган. Проф. Ш.У. Раҳматуллаев ўз вақтида (1960 йил) акад. А.Н. Кононов томонидан таклиф этилган этимологияга таянган ҳолда (- гун+ча: чоғ) – гун ва – ган қисмлари асли бир аффиксининг икки фонетик варианты деган хулосага келди. Лекин бу формаларнинг генетик табиати

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилидаги бир синтактик қурилма ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. – Б.16.

тамомила бошқа эканлиги кейинчалик акад. А.Н. Кононов томонидан эътироф этилган эди: - гунча формаси аслида – гу (келаси замон сифатдоши) хамда – ча (чегара аффикси ёки экватив); - ган эса – г (орттирма даража кўрсаткичи)+н (сифатдош+равишдош аффикси) дан иборат; - гунча таркибидаги – н – поссессивлик категориясининг қолдиғидир; - гунча аффиксининг таркибидаги –гун ўтган замон сифатдоши, бунинг устига, феъл сифатловчи деб тан олинадиган бўлса, у қандай қилиб “келаси вақт чегараси” ни билдириши мумкин. Маълумки, қадимги туркий тилда чоғиштириш, ўхшатиш, чегара, тахмин каби маъно жололарини билдирувчи – ча (чегара – экватив) аффикси амал қилган Айни ана шу аффикс кейинчалик – ларча: (юзларча: чама, тахмин), - тача (- ўнтача: тахмин), - ларча (болаларча: ўхшатиш), -гача (уйгача: чегара) қўшма аффикслари таркибига сингишган. Шу сабабдан, қадимги тилдаёқ аффикс мақомига тўла эга бўлган – ча, - дек, морфемаларини гоҳ юклама – аффикс, гоҳ кўмакчи – аффикс деб номлаш, уларнинг имлосини ўзгартириб, чизикча (дефис) билан ёзишга асос йўқ. Яхлит морфема орасига синтактик эҳтиёж туфайли факультатив тарзда эгалик формаларининг орттирилиши ўз изоҳига эга: айрим ҳолларда яхлит тил бирлигининг “узилиши”, орага баъзи элементларнинг киритилиши типологик жиҳатдан хилма – хил тилларга хос ҳодисадир.

Проф. Ш.У. Раҳматуллаев: “Том маънода икки аффиксининг қўшилиши натижасида юзага келган мураккаб аффиксдан икки морфеманинг ёнма-ён келишини фарқлаш лозим”, - деб тўғри таъкидлайди. “Лекин – деб ёзади муаллиф, - га -ча мураккаб аффикс эмас, чунки унинг таркиби – га аффиксига ва -ча морфемасига ажралади. Кейинги бирлик ўзидан олдин келишик аффикс қатнашувини талаб қилади, гўё “бошқаради”; аффиксга эса бундай хусусият хос эмас. Бу морфема ташқи кўриниш асосидагина аффиксга тенглаштириб юборилган, асли кўмакчи – аффикс деб баҳоланиши тўғри: Самарқандга қадар – Самарқандга -ча.

Ўзбек тилшунослигида кўмакчилар ўзидан олдин келган сўзни “бошқаради” деган анъанавий қараш ҳамон илгари сурилмоқда. Ҳолбуки, кўмакчилар (аналитик воситалар) ҳам, келишиқ аффикслари (синтетик воситалар) ҳам икки мустақил сўз (от+феъл)нинг бириқиши (валентлиги)ни таъминлайдиган, уларнинг муносабатга қиришуви учун “кўприқ” бўладиган ёрдамчи бирликлардир. Шунинг учун улар бир сўзга эмас, балки икки сўзга тааллуқли бўлган, уларни “ушлаб” турадиган морфемалардир. Солиштиринг: китобча, қизалоқ, кўчалар; ишчан, сизла каби сўзлардаги – ча, лоқ, - лар, - чан, - ла морфемалари бир сўзга тааллуқли бирликлардир. - гача формасида иккинчи қисм (-ча)нинг маъноси актуал бўлиб, - га – туташтирувчи (асемантик) бирликка айланган; иккинчидан, мустақил форма бўлганидан, - гача (уйгача, шаҳаргача) боғланиб келадиган феъллар билан – га жўналиш келишиги боғланадиган феъллар фарқланади [80. 42-48-бетлар] .

Демак, ҳозирги тилда – гунча, - гача каби аффикслар худди – гудек (келгудек: - гу: келаси замон сифатдоши), - ларча (ўнларча), - тача (юзтача) кўшма аффикслари каби яхлит тил бирликлари бўлиб, агар уларнинг ташкил этувчилари алоҳида – алоҳида олиб қараладиган бўлса, тил системасига тегишли парадигмалардаги бинар – оппозитивлик муносабатларига путур етади. Чунки ҳар бир тил элементи, хоҳ у содда, хоҳ у кўшма бўлсин, синхрон системада ўз ўрни ва мавқеига эга. Албатта, кўмакчилар ҳам, юклама ва боғловчилар ҳам муайян вазифада морфемика майдонига тортилади. Морфем синтагматикада уларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва ҳиссаси бор.

Туркийшуносликка доир тадқиқотларда ҳам шахс-сон қўшимчаларининг майл ва замон асослари билан сингиши даражасига қараб, икки хил тусланиш типи белгиланади: биринчи типда парадигма элементлари “алоҳидалиқ”, иккинчи типда зич бириқиш хусусиятга эга. Зич бириқиш шахс – сон формаларининг қисқа кўринишлари - м (олдим), - нг (олдинг), - **0** (олди **0**), -к (олдик), - нгиз (олдингиз) – лар (олдилар) да кузатилади: “Бу типдаги замон ва майл асослари, сифатдош асосларидан фарқли ўлароқ, шахс

категорияси аффиксларисиз алоҳида тил бирликлари бўла олмайдилар”.
Ҳақиқатан ҳам, қадимги тўла аналитик формаларнинг қисқара бориши туфайли, маълум парадигма элементларининг ўзаро боғланиб қолиши уларнинг яхлит бир элемент тасаввури билан қабул қилишга имкон яратади. Солиштиринг: бара турур мен > борамен > бораман: бара турур сен > ... борасан; бара турур ул > бара дурур > боради .

Юқорида таъкидлаганимиздек, - ади (боради) комплексидаги – ди – “қолдиқ” шакл бўлиб, унинг шахс – сон қўшимчаларига ҳеч бир алоқаси йўқ, у турур формасининг қисқарган шаклидир.

Қуйидаги синтагма, яъни “ётиб формаси + шахс – сон аффикслари” комплексининг қисқариши ҳозирги тилда – япман, - япсан, - япмиз, - япсиз каби формантларни ҳосил қилган бўлса, III шахсда эса қўшма аффиксни ҳосил қилган (- япти): боряпман, боряпсан, боряпти; боряпмиз, боряпсиз, боряптилар. Боряп– (бор+яп -) синтагмаси “боғли” характерда бўлганлиги учун, шахс – сон қўшимчалари билан бирикиши уни қўшма аффикслар доирасига яқинлаштиради. Яна: бор-гу-м, бор-гу-нг, бор-гуси, бор-гу-миз, бор-гу-нгиз, бор-гу-лари парадигмасида – гу архаиклашганлиги сабабли, шахс–сон қўшимчалари таркибида ўз функционал қийматини кашф этади.

Морфем синтагматикадаги структур ассиметрия тил системасидаги тарихий, генетик, функционал силжиш ва ўзгаришлар билан боғланган кенг қамровли ҳодисадир. Уни яна шу силжишлар билан боғли ҳолда текшириш диахрония ва синхрония, тил ва нутқ, тилда меъёр масалаларини ойдинлаштиришга кўмаклашади.

Тилнинг ички структурасидаги семантик силжишлар унинг ташқи (шакл) структурасидаги чегара ўзгаришлари учун шароит тайёрлайди. Масалан, маълум давр оралиғида асосий шаклнинг семантикасига айрим оттенкалар юклайдиган кучайтирувчи элемент кейинчалик унинг таркибига кириб кетиб, қўшма аффикс ҳосил қилиши ана шу силжишлар билан боғланади (умуман, бу жараён агглютинатив тиллар учун типик ҳодиса). Бу кўринишга буйруқ –истак майлидаги II шахс кўплик шакли – (и) нг (кўринг,

ўқинг) яхши мисол бўла олади. Бу аффикс қадимги туркий манбаларда, эски ўзбек тилида ана шу майлнинг (II шахс, кўплик) асосий кўрсаткичидир. Ҳали бу даврда кўплик – жамлик кўрсаткичлари – з ва -лар кўпроқ бу шаклдаги асосий маъно – кўплик маъносига айрим оттенкалар қўшувчи вазифада келади. Кўплик шаклларида, масалан, -лар факультатив элемент сифатида асосий маънога расмий тус (оттенка) киритади (-нг шаклида) ёки ҳурмат маъносини кучайтиради (-ингиз шаклида). - (и)нг аффиксида кўплик маъносининг сусая бориши билан (бу аффикс эски ўзбек тилидаёқ ҳурматсизлаш шакли, шу майлнинг II шахс бирлиги шаклига хос маънолар касб эта бошлаган эди). Кейинги кучайтирувчи элементларнинг асосий шакл таркибига тўлақонли компонент сифатида яхлитланиши кучаяди. Натижада – (и)ингиз, -(и)нглар қўшма аффикслари шаклланади. Бу даврда, айниқса, - (и)нгиз -лар комплексида –лар элементининг факультативлиги билиниб туради. Бу комплекс поэтик матнлардагина учрайди, шунда ҳам ишлатилиши кўпроқ шеърӣ талаблар билан боғланади. Демак, ҳар хил ареал тарқалишга эга бўлган –з ва –лар аффикслари факультатив шакл ролини бажариб, майл оппозициясидан ташқарида турган бўлса, кейинчалик, бу оппозициянинг таркибий қисмига айланиб кетади. Асосий шаклни “кенгайтирувчи” элементнинг парадигматик оппозиция ихтиёрига тушиб кетиши ҳодисаси шу майлнинг III шахс кўплигида ҳам кузатилади. А.М.Шчербакнинг қайд қилишича, бу шахснинг кўплиги -сунлар комплекси билан бирга, кўпинча қўшимча элементсиз шаклланаверган. Ҳозирги замон ўзбек тилида эса шу майлнинг тегишли оппозициясида мазкур позициядаги сон жиҳатдан нейтралликни бартараф қилувчи –лар элементининг муҳим ўрни бор. Қаранг: бажарсин –бажарсинлар.

Тил морфем қурилишидаги асимметрик жараёнларни кенг қамровда ўрганиш ўзбек тилшунослигини янги маълумотлар билан бойитади.

2.3. Тиллар морфологик қурилишидаги ўзгаришлар: флуктуация ва бифуркация

2.3.1. Ўзбек тилида агглютинацияга нисбатан флуктуация ҳолати

Энг сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, тил ҳам табиат ҳодисалари каби ўз-ўзини ташкил этувчи, тадрижий тарзда янги структураларни ўзида намоён этувчи, синергетик парадигма асосида ривожланувчи мураккаб тизим ҳисобланади. Буни муайян тилларнинг морфологик қурилишидаги ўзгаришлар, бир ҳолатдан бошқа сифат босқичига ўтишга томон силжишлар, маълум тилларда ички ва ташқи таъсирлар натижасида турли хил белгиларнинг юзага келаётганлиги каби далиллар тасдиқлайди.

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўзнинг морфем таркиби ўзгармас, турғун ҳолатда тургандек кўринса-да, аслида у мураккаб ўзгарувчан табиатга эга. Умумий тилшуносликка доир асарларда тез-тез учраб турадиган қуйидаги фикр, яъни агглютинация тамойили асосида тузилган сўзда морфемалараро чегара, туташув нуқталари ҳамиша аниқ кўриниб туради тарзидаги фикр ниҳоятда нисбий тавсифдир.

Морфемалар сўз доирасида занжирсимон тизмалар, “суффиксларнинг ҳалқалари” ни ҳосил қилади. Айрим ҳисобларга кўра, бу ҳалқаларнинг сони бир ўзак доирасида то ўн тўрттагача етиши мумкин. Ана шу ҳалқаларда турли хил тарихий жараёнлар билан боғланувчи омиллар таъсирида тарихий-генетик ҳамда функционал ўзгаришлар узлуксиз содир бўлиб туради. Бош морфема ёки ўзак морфема ҳамда эргаш морфема- қўшимчаларнинг ўзаро семантик-фонетик чатишиши, бошқача айтганда, морфем материалнинг қайта бирикиши ва тақсимланиши ҳам тўхтовсиз давом этади. Натижада тил янги морфологик бирликлар-ўзаклар ва қўшимчалар билан бойиб боради. Айни шу хусусиятга кўра, Б.А. Серебренников сўзлари билан айтганда, “агглютинатив тиллар суффикслар ҳосил қилиш бўйича ҳайрон қоларли

қобилиятга эга”¹ [54. 9-бет] Қайд қилинган жараёнларга кенг қамровда ёндашиш кераклигини таъкидлаб, И.А.Бодуэн де Куртенэ В.В.Радловнинг асарларига ёзган тақризида шундай деб уқтирган эди: “Тил тафаккурининг ҳамма морфологик бирликларига бир хилликда қотиб қолмаган, доимо ўзгариб турадиган, шу билан бирга, жонли, реал бирликлар сифатида қараш керак”.

Маълумки, тилшуносликка агглютинация ғояси – кўшимчаларнинг мустақил сўзлардан ҳосил бўлиш ғояси – немис олими Франц Бопп томонидан айтилган, атама эса фанга унинг тадқиқотчиси Ф.Лассен томонидан киритилган.

Яқин вақтларгача ҳам, айниқса, анъанавий руҳда ёзилган туркийшунослик ва умумий тилшуносликка доир адабиётларда агглютинатив тиллардаги аффиксал шаклларнинг келиб чиқишини барча ўринларда мустақил сўзлар билан боғлаш ҳукм суриб келар эди. Бундай тасаввурларнинг қатъийлашишига йирик туркийшунослик манбаларидаги ҳулосалар ҳам кўмаклашарди. Масалан, акад. Н.К. Дмитриев 1940 йилда эълон қилинган “Қўмиқ тили грамматикаси”да кўшимчалар пайдо бўлишининг тўрт босқичини белгилайди; мустақил сўз > ёрдамчи сўз > кўмакчи сўз > аффикс. 1948 йили нашр қилинган “Бошқирд тили грамматикаси”асарида эса шу муаллиф янада аниқроқ қилиб шундай ёзади: “Умумий жараёни алоҳида сўздан аффиксга томон деб кўрсатиш мумкин”. А.К.Боровков эса “Туркий тилларда агглютинация” мақоласида юқоридаги фикрга қўшилиб, “бу тарихий жиҳатдан қизиқарлидир”², -деб қайд этади. Узоқ вақтларгача О.Н.Бётлингк ва В.В.Радловнинг морфемаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлари далилларга тегишли тарзда тадбиқ қилилмади: улар туркий тилларда саноқли кўшимчаларгина мустақил сўзларга бориб тақалади, деб кўрсатган эдилар. Тарихий-типологик

¹ Серебренников Б. А. Основные линии развития падежной и глагольной систем в уральских языках. М., 1964. – С. 9.

² Боровков А.К. Агглютинация в тюркских языках. – Сб. “Морфологическая типология и проблема классификации языков”. М., - Л., 1965. – С. 117.

текширишларнинг кенг қамровда олиб борилиши натижасида агглютинатив тиллар; жумладан, ўзбек тилининг морфем бойлиги – ҳам ўзак қисми, ҳам кўшимчалар қисми икки етакчи усулда бойиб бориши аниқланди:

1. Агглютинация /ёndoшлик/ усули – мустақил сўзларнинг аффиксал морфемаларга айланиши.

2. Фузия усули-морфемаларнинг ўзаро бирикишидан янги ўзак ва кўшимчаларнинг ҳосил бўлиши.

Тил далилларининг табиати, айниқса, фузия усулининг бош ва асосий усул эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида, ҳар иккала усул бошқа усуллар учун келиб чиқиш манбаи вазифасини бажаради.

Фузия термини лотинча бўлиб, ”эриб кетиш, сингиш ” маъноларини англатади. Тил ички қурилишидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган бу жараён тилшунослик тарихида гипперагглютинация /В.В.Радлов/, морфологик абсорбация ҳамда переинтеграция /Н.В.Крушевский/, соддаланиш ҳамда морфологик қайта бўлиниш /В.А.Богородицкий/, контаминация /Г.Пауль/, фузия /Э.Сепир, А.Н. Кононов/ атамалари билан номланиб келади. Булар орасида фузия атамаси ҳодисанинг моҳиятини анча яхши акс эттиради: бунда қисмларнинг янги бирлик таркибига зич бирикиб кетиши, тўғридан-тўғри қисмларга ажратишнинг мумкин эмаслиги, орадаги чегара сигналлари /пауза, урғу/нинг йўқолиши каби ҳолатлар уқилиб туради.

Фузия ҳодисасининг юз бериш сабаблари тилшуносликка доир адабиётларда турлича изоҳланади. Олтойшунослик асосчиларидан бири, фин олими Г.И.Рамстедт фузияни морфемаларнинг қўшилиш ўрни- фонологик ҳодиса сифатида баҳолайди.¹ Хинд-европа тилларидаги фузион ҳодисалар И.А. Бодуэн де Куртенэ, В.А. Богородицкий асарларида дастлаб фонетик сабаблар билан боғлиқ, деб кўрсатилди. Кейинчалик Н.В. Крушевский асарлари таъсирида бу олимлар фузия замирида маъно ўзгаришлари

¹ Кононов А. Н. О фузии в тюркских языках “Структура и история тюркских языков”. М.: “Наука”, 1971. – С. 111-112.

ётишини, фонетик- фонологик ўзгаришлар эса бу ўзгаришларни мустақамловчи жараён эканлигини эътироф этдилар¹.

Э.Сепир фузияда сингишувчи элементларнинг бири ёки ҳар иккисининг ўзгаришга учраши ва дастлабки маънодан узоқлашув юзага келишини алоҳида таъкидлаган эди. Бу фикр француз тилшуноси Ж.Марузонинг лингвистик луғатида тўлиғича акс этган². Айрим шу хил луғатларда эса ўзгарувчан ўзак билан стандарт бўлмаган қўшимчанинг зич бирикуви характеридаги жараён деб изоҳланган.³ Бошқа бир луғатда эса фузия ҳам морфофонологик жараён сифатида кўрсатилади.⁴

Акад. А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминлар изоҳли луғати ” да фузия фонема таркибининг ўзгариши, бир фонеманинг ҳар икки фонема состави учун умумий бўлиб қолиши деб таърифланади ва ўқийётирман > ўқиётирман типдаги мисоллар берилган.⁵ Ҳ.Ҳусейнов ва К.Шукурованинг “Луғати терминҳои забоншиносӣ” китобида ҳам рус тилида нашр этилган луғатлардан при-иду > приду, раст-ти > расти, Свердловский-ский > Свердловский, минерал-ология > минералогия каби мисоллар берилган, тожик тилига оид бирорта мисол келтирилмаган. Кейинги ҳар иккала луғатда ҳам фузия фонетик ҳодиса тарзида берилган.

Фузияни семантик-фонетик ҳодиса деб асослаш туркийшуносликда, олтой тилшунослигида А.Н.Кононов, А.Ғ.Ғуломов, Э.В.Севортян, В.А.Аврорин, О.П.Суник, Т.А.Бертагаев, Ғ.Ғ.Благова, И.В.Кормушин каби олимларнинг ишларида учрайди. Бу соҳада акад. А.Н.Кононовнинг махсус ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. У ўзининг туркий тилларда фузия ва агглютинация табиатига бағишланган ишлари билан фактик биқиқлик, чегараланганликни бартараф этиш, тарихий йўналганликни чуқурлаштириш учун ишончли йўл-йўриқлар берди. Фузия типологик жиҳатдан хилма-хил

¹ Березин Ф.М. История лингвистических учений. - М.,1975. – С. 168-172.

² Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. - М.,1960. – С.331.

³ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1966. – С. 505.

⁴ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Справочник лингвистических терминов. - М.,1972. – С. 470.

⁵ Ҳожиёв А. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. Тошкент 1985. – Б. 105-106.

тилларга хос бўлиб, ўзбек тили материалларида унинг қуйидаги кўринишларини белгилаш мумкин:

1. “Мустақил сўз + мустақил сўз” фузияси: бу кун > бугун, су узмак > сузмак, саккиз ўн > саксон, тўққиз ўн > тўқсон, кеч қурун > кечқурун ва б.

2. “Ўзак ёки асос + аффикс” фузияси: бунда кам ишлатиладиган, нофаол ўзак ёки қўшимча ўзаро бирикиб, янги луғавий бутунликни ҳосил қилади. Шуниси муҳимки, нофаол бирлик ўзи бириккан бирлик ёки бирликлар билан сўз туркуми доирасида ё янги парадигматик боғланишларни юзага келтиради, ё бошқа сўз туркумига транспозиция-конверсия йўли билан ўтиб, умумкатегориал маъносини ўзгартиради. Бу парадигма таркибидан айрим ҳалқаларнинг тушиб қолиши характерида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, отлардаги келишиқ парадигмасидан жўналиш келишигининг -ғари, -қари, -қари, -ғари; восита-қурол келишигининг -ин шакли аста-секин чиқа бошлагач, бу шакллар ўз маъно таркибидаги ўрин, вақт, ҳолат семалари туфайли равишнинг тегишли бўлимларидан ўрин олди: ичкари, ташқари, илғари, юқори; қишин-ёзин, сочин-тўқин, бирин-кетин. Ана шу жараён туфайли ўрин-пайт, жўналиш, чиқиш келишигидаги сўзлар нисбатан кейинги даврларда ҳам равиш сўз туркуми бойлигини тўлдириб туради: олдинда, орқада, бирга, бирдан, қўққисдан, тўсатдан кабилар.

Акад. А.Н. Кононовнинг кўрсатишича, феълдаги уч фонемали “ундош-унли-ундош” ҳамда икки фонемали “унли-ундош” типдаги синхрон ўзаклар составидаги л, р, к, қ, т, з, с, ч, фонемалари ўзак билан фузияланган аморф, қолдиқ шакллардир, /солиштиринг: йа-н «гореть», й-ақ “жечь”, йа-л “пламенеть”; ка-л “приходить”, ка-т “уходить”, ка-з “гулять”, ка-ч “переходить”, ко-ч “кочевать” /.¹ Яна қаранг: тушун /туш-ун/, сескан /сез-ик-кан/, иста/ис-, из-та, из-ла/ сўзлари, қаровул, баковул, ясовул каби сўзлар ҳам тарихан маъноли қисмлардан таркиб топган.

¹ Кононов А. Н. О фузии в тюркских языках “Структура и история тюркских языков”. М.: “Наука”, 1971. – С. 115.

3. “Аффикс + аффикс” фузияси: отлар ва сифатлардаги –чоқ, -лоқ, -гина, -и /мсира, -и/нқира каби кичрайтириш шакллари икки ва ундан ортиқ функционал ўхшаш шакллардан таркиб топган; -даги, -моқчи, -чи, -лик каби қўшимчалар эса функционал ноўхшаш қисмлардан тузилган.¹

Юқорида қайд қилинган кўринишлар ўзбек тилида фузиянинг кенг тарқалган кўринишларидир. Кўринадики, бир неча морфемаларнинг ўзаро фузияланиши учун ўзакнинг вазифа жиҳатидан фаоллигини йўқотиши, айниқса, оралиқ ҳалқаларда келувчи қўшимчаларнинг ўз маъно ва вазифасидан узоқлашиши, шунингдек, морфемаларнинг туташув нуқталарида фонетик ўзгаришларнинг ҳам содир бўлиши зарур шароитдир.

Янги бутунлик таркибига фузияланган морфемалар ўзларининг собиқ, генетик маъноларидан ажралади, бу ўринда қисмларнинг кейинги, реал маъноси устун чиқади. Аввалги генетик маънони тиклаш махсус тарихий текширишларни талаб қилади.²

Фузия диахроник ҳамда синхроник турларга ҳам бўлинади. А.А. Реформатскийнинг уқтиришича, синхроник фузия, диахроник фузияни инкор этмаган ҳолда, фузион негизларнинг табиатини очишга ёрдам беради: фузияли тилларда сўз ясалишида мавжуд бўлган қўшимчаларнинг такрорланиши мумкинлиги – янги бутунликка фузияланишда уларнинг сўниши натижаси бўлиб, бу нарса синхроник пландаги соддаланишдир.³ Бу хил процесс агглютинатив тилларда ҳам мавжуд. Хусусан, ўзбек тилидаги “биргалик маъносини кучайтириш, маънонинг биттасини-биргаликни ажратиб кўрсатиш учун – ш аффикси ўзакка баъзан икки марта қўшилади: сўзлашишди, тортишишди, қучоқлашишди...”⁴

¹ Бердалиев А. Словообразующие сложные аффиксы в узбекском языке. Автореф. канд. дисс., Ташкент, 1970. – Б. 30.

² Миртожиев М. Генетик маъно // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, № 6. – Б. 32-34.

³ Реформатский А.А. Агглютинация и фузия / Морфологическая типология и проблема классификации языков. – М., 1981. – С. 83.

⁴ Гуломов А. Ғ. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили, Тошкент, 1957. – Б. 35.

Солиштиринг: тиктиртир., кулчача, кўзичоқча, кичкинагина, ётоқхона...бу хил плеонастик такрорлар хилма – тилларга хос бўлиб, янги бирликлар юзага чиқишда муҳим восита ролини ўтайди.

И.А. Бодуэн де Куртенэ “материя” нинг “форма” га, “форма”нинг “материя”га айланиш ва ўтиш хусусияти барча тиллар ва тил эгалари тафаккурига хос эканлиги ҳақида ёзиб, унинг универсал моҳиятини аниқлашга эътибор қаратган эди. Ҳақиқатан ҳам, соф фузион ёки соф агглютинатив тил йўқ. Бу белгилар ҳар бир флектив ҳамда агглютинатив тилда у ёки бу миқдорий даражада учраши мумкин. В.С. Расторгуеванинг қайд этишича, агглютинация ҳодисаси флектив эрон тилларида ички морфологик қурилиш системасидаги қайтаришлар, шунингдек, бошқа система тиллари таъсири билан ҳам боғлиқ ҳолда анча қадимги жараёндир. Тоҷик тилшуноси В.А. Капранов фузиянинг бир тури – лексик контаминация ҳақида фикр билдириб, унинг ҳамма тиллар учун ҳам хослигини алоҳида таъкидлайди ва унинг муҳим бир жиҳатига аҳамият беради: муайян сатҳга тегишли барча тил бирликлари ўзаро контаминацияга киришуви мумкин. Шу билан бирга, тилнинг сўз ясалиши системаси ва луғат составини тўлдирувчи муҳим воситаси сифатида бу усул фақат мутахассислар томонидан эмас, балки талаба ҳамда ўқувчилар томонидан ўрганилиши зарур.

Фузия ҳодисасини маълум даврлар бўйича диахрон систем аспектда, тарихий семасиология тамойиллари бўйича текшириш ўзбек тилининг турли сатҳларига тегишли бирликларнинг ривожланиши қонуниятларини белгилаш ишига кўмаклашади. Айниқса, тил тарихи босқичлари бўйича генетик, этимологик ҳамда бирор синхрон давр учун хос бўлган маъно муносабатлари диалектикасини кузатиш семасиология фанини янги хулосалар билан бойитади. Бу тилнинг коммуникатив, прагматик, аккумулятив, эстетик – эмотив вазифалари ва аспектлари билан боғланган мураккаб масаладир. Шунинг ҳисобга олиб бўлса керак, ўз вақтида В.А. Богородицкий тил маънолари диалектикасининг йўналиши ҳақида фикр билдирган эди. Унинг “генетик маънонинг реал маъноларга ўрин бериши

тафаккур учун катта экономия ва муҳим аҳамият касб этади. Агар сўзнинг реал маъноси ҳар сафар онгимизда генетик маънолар томон тортилаверса, бу ҳолат тафаккур учун, шу билан бирга, маданият учун ҳам ҳаддан ташқари тўсиқ (тормоз) бўлган бўлар эди”.¹ [6. 101-бет], деган эътирофи тўлалигича фузия усули билан ҳосил бўлган бирликларга ҳам тегишлидир.

Буларнинг ҳаммаси тилнинг “мавжуд материални қайта бириктириш (переинтеграция) йўли билан тўхтовсиз равишда янги ўзак, қўшимча ва тугамаларни яратиб туриш” (Н.В Крушевский) қобилияти билан изоҳланади. Бу далиллар эса тилнинг синергетик парадигмага мувофиқ ҳолда ўз-ўзини ташкил этишини, В.фон Гумбольдт айтганидай, “*energeia*” эканлигини тасдиқлайди.

2.3.2. Инглиз тили бифуркация нуқтасида: агглютинация ва фузия тенденцияси

Замонавий инглиз тили бифуркация жараёнида рифожланмоқда, яъни инглиз тилида фузия ва агглютинация тенденцияси ёнма-ён тараққий этмоқда. Инглиз тилшунослари Ж.Гуд, Р.Роббинс, Б.Комри, В.Крофтларнинг таъкидлашича, инглиз тилининг типологик табиати ҳақида фикр юритганимизда мавжуд лисоний типларнинг барчасини назарда тутиш лозим бўлади.² Бу ҳақида Р.Роббинс шундай ёзади: “English is in fact a fairly mixed type of language in respect of all the three types and each can be illustrated from English. In such unchanged words like as **since,from,when,seldom,now** which belongs to prepositions, conjunctions and adverbs indicate elements of isolated type, in these morphological combinations such as **illegalities, unavoidably,stabilizers** – features of agglutination and in the following forms

¹ Богородицкий В.А. Введение в татарское языкознание. Казань, 1953. – С. 101.

² Қаранг: Good J. Linguistic Universals and Language Change. – Oxford: Oxford University Press, 2008. – P. 43-45; Robbins R.H. General Linguistics. – L., 1964. – P. 332; Comrie B. Language Universals and Linguistic Typology. – Oxford: Oxford University Press, 1989. – P. 30-32; Croft W. Typology and Universals. – Cambridge: Cambridge University Press, 1990. – P. 27-34.

(**men, mice, geese**)- signs of fusion”.¹ Олимнинг фикрига кўра инглиз тили шундай аралаш табиатга эга бўлган тилки, ундан ҳар уч лисоний типга хос белгиларни топиш мумкин. Инглиз тилида предлоглар, боғловчилар ва равишлар изолятив (ажралган) тилларга хос белгиларнинг, префикслар ва суффиксларнинг сўзга бирикиши агглютинатив тилларга хос бўлган хусусиятларнинг, сўз ўзаги ичидаги ўзгаришлар асосида ясаладиган грамматик шакллар фузион тилларга хос унсурларнинг мавжудлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, тил тараққиётининг кейинги даврларида инглиз тилида агглютинатив – аналитик белгиларнинг кучайиш жараёни кузатилмоқда.² Бу фикрни профессор Ж.Бўронов ўзининг “Сравнительная типология английского и тюркских языков” (Инглиз тили ва туркий тилларнинг қиёсий типологияси) номли монографиясида қуйидагича талқин этган: “Инглиз тилида ички флексия от (айрим отларнинг кўплик шаклини ҳосил қилишда) ва феъл тизими (нотўғри феълларнинг ўтган замон шаклини ҳосил қилишда) учун характерлидир. Ушбу ҳолат ҳам аслида қадимги инглиз тилидаги умлаут ва аблаутнинг қолдиғи ҳисобланади”.³ Келтирилган мулоҳазаларни фактография маълумотлари ҳам тасдиқламоқда. Кузатувларимиз натижасида шуни аниқладикки, инглиз тилида агглютинация типи қуйидаги ўринларда фаол учрайди:

I. Сўз ясалиши жараёнидаги агглютинация:

1. От ясовчи қўшимчалар сўзга, асосан, агглютинация усули асосида бирикади:

- **er:** *read + er = reader - китобхон; teach + er = teacher – ўқитувчи; work + er = worker – ишчи; paint + er = painter – бўёқчи.*

- **ness:** *kind + ness = kindness – меҳрибонлик; careless + ness = carelessness – эҳтиётсизлик; mad + ness = madness – аҳмоқлик; black + ness = blackness – қоралик.*

¹ Robbins R.H. General Linguistics. – L., 1964. – P. 332.

² Каранг: Плоткин В. Я. Строй английского языка. – М.: Высшая школа, 1989. – С. 34.

³ Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – С. 172.

- **hood**: *child + hood – болалик; brother + hood – биродарлик.*

- **dom**: *king + dom = kingdom – қироллик; free + dom – freedom – озодлик;*

- **ship**: *friend + ship = friendship – дўстлик; hard + ship = hardship.*

- **ment**: *develop + ment = development – тараққиём; astonish + ment = astonishment – ҳаяжон; enjoy + ment = enjoyment – роҳат.*

2. Сифат ясовчи қўшимчалар ҳам сўзга асосан агглютинация усули асосида бирикади:

- **able**: *change + able = changeable – ўзгарувчан; eat + able = eatable – ейишли; comfort + able = comfortable – қулай.*

- **al**: *form + al = formal – расмий; nation + al = national – миллий; emotion + al = emotional – эмоционал, ҳиссий.*

- **ent**: *differ + ent = different – турли хил; insist + ent = insistent – ўжар; resist + ent = resistant – қаршилик қиладиган.*

- **ful**: *doubt + ful = doubtful – шубҳали; use + ful = useful – фойдали.*

- **ish**: *child + ish = childish – болача, болага хос; fool + ish = foolish.*

- **less**: *hope + less = hopeless – умидсиз; shame + less = shameless – уятсиз.*

- **ous**: *danger + ous = dangerous – хавфли; hazard + ous = hazardous – таваккал.*

- **y**: *dirt + y = dirty – ифлос; rain + y = rainy – ёмғирли; milk + y = milky – сутли; wind + y = windy – шамолли.*

3. Равиш ясовчи қўшимчалар инглиз тилида озчиликни ташкил этади. Улар ҳам ўзакка ҳеч қандай ўзгаришсиз агглютинатия техникаси асосида қўшилади:

- **ly**: *slow + ly = slowly – секин; fluent + ly = fluently – равон; late + ly = lately – кейинчалик; hard + ly = hardly – зўрға.*

- **wise**: *clock + kwise = clockwise – соат стрелкаси бўйича; length + wise = lengthwise – узунасига.*

- **ward**: *down + ward = downward – насмга, насм томонга; home + ward = homeward – уй томонга; east + ward = eastward – шарқ томонга.*

4. Феъл ясовчи кўшимчаларнинг ўзак морфемага бирикиши ҳам агглютинация асосида амалга оширилади:

-en: *deep + en = deepen – чуқурлаштирамоқ; hard + en = harden – қийинлаштирамоқ; soft + en = soften – юмшатамоқ.*

ize: *symbol + ize = symbolize – рамзийлаштирамоқ; modern + ize = modernize – замонавийлаштирамоқ; ideal + ize = idealize – идеаллаштирамоқ.*

5. Инглиз тилидаги префикслар (олд кўшимчалар) ҳам сўзга ҳеч қандай фузион ўзгаришларсиз, “этикетка” (агглютинация) усулида кўшилади. Префиксларнинг аксарияти юнон, лотин тилидан ўзлашган бўлиб, интернационал характерга эгадир:¹

anti-: *anti + freeze = antifreeze – антифриз; anti + aircraft = anti - aircraft.*

bi-: *bi + lingual = bilingual – икки тили; bi + cycle = bicycle – икки гилдиракли.*

co-: *co + author = co-author – ҳаммуаллиф; co + operation = cooperation.*

counter-: *counter + attack = counter-attack – қарши ҳужум;*

dis-: *dis + satisfaction = dissatisfaction – қониқмаслик, dis + own = disown.*

en-: *en + rich = enrich – бойимоқ; en + large = enlarge – кенгаймоқ.*

hyper-: *hyper + active = hyperactive – ўта фаол; hyper + text = hypertext.*

inter-: *inter + national = international – миллатлараро; inter + continental = intercontinental – қитъалараро.*

mis-: *mis + understand = misunderstand – нотўғри тушуноқ; mis + use = misuse – нотўғри фойдаланмоқ.*

non-: *non + smoker = nonsmoker – чекмайдиган одам; non + drip = nondrip.*

over-: *over + estimate = overestimate – юқори баҳоламоқ; over + work = overwork – ҳаддан зиёд кўн (меъёридан ортиқ) ишламоқ.*

poly-: *poly + syllabic = polysyllabic – кўн бўғинли; poly + ethnic = polyethnic.*

post-: *post + war = postwar – урушдан кейинги; post + classical = postclassical.*

pre-: *pre + school = preschool – мактаболди; pre + war = prewar – жанголди.*

re-: *re + write = rewrite – қайтадан ёзмоқ; re + load = reload – қайта юклаш.*

sub-: *sub + way = subway – ер ости йўли, метро; sub + section = subsection.*

¹ Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 103-104.

ultra-: *ultra + violet = ultraviolet – ультрабинафша; ultra + modern = ultramodern – ҳаддан зиёд замонавий.*

un¹-: *un + forgettable = unforgettable – унутилмас; un + expected = unexpected – кутилмаган; un + fair = unfair – ишончсиз.* Ушбу мисоллардаги **un-** префикси бўлишсиз маънодаги сифатни ясашга хизмат қилмоқда.

un²-: *un + tie = untie – ечмоқ; un + do = undo – бекор қилмоқ.* Мазкур ҳолатдаги **un-** префикси феъл ясаш учун ишлатилади.

under-: *under + line = underline – тағига чизмоқ; under + ground = underground.*

II. Форма ясалиши жараёнидаги агглютинация:

Замонавий инглиз тили грамматикасига оид китобларда грамматик маъно ифодалашга хизмат қиладиган барча формант (грамматик маркер, кўрсаткич, шакл) лар “флексия” (“inflexion”, “inflexional suffixes”) номи остида берилади.¹ Бу ўринда флексия ўзининг ҳақиқий илмий талқинига мувофиқ келади, у фузиянинг эквиваленти эмас, балки шакл ясовчи кўшимчага тенг келади. Қуйида келтириладиган кўшимчалар флексиялар ҳисобланади.

1. Инглиз тилида отларнинг кўплик шакли (инглиз тилидаги отларнинг 95% қисми) – **s (es)** кўшимчаси ёрдамида агглютинация усулида ҳосил қилинади, қолган 5% қисми фузия техникаси асосида амалга оширилади. Бундан кўринадики, асли фузион тил ҳисобланган инглиз тилида кўплик шаклини ясашда фузия тенденциясига нисбатан агглютинация тенденцияси устуворлик қиладди: *book + s = books – китоблар; pen + s = pens – ручкалар; table + s = tables – столлар; window + s = windows – деразалар; parent + s = parents – ота-оналар; toy + s = toys – ўйинчоқлар каби.*

Таққослаш учун инглиз тилида кўплик фузия асосида ясаладиган отларни келтириб ўтамыз. Кўплик шакли фузия усулида ясаладиган отлар инглиз тилида бармоқ билан санарли даражада, шунинг учун инглиз тили

¹ Қаранг: Broderick J.P. Modern English Linguistics: a Structural and Transformational Grammar. – New York: Thomas Y. Crowell Company, 1975. – P. 32.

грамматикасига оид китобларда бундай отлар “қоидадан истисно” (“exemption”) тарзида берилади, уларни қадимги инглиз тили грамматикасининг рудиментлари (қолдиқлари) сифатида баҳолаш мумкин. Тилшуносларнинг эътирофича, қадимда ҳинд-европа тиллари материалида фузион жараёнларга бой бўлган флектив морфология устувор бўлган, тилдаги узоқ эволюция жараёнида бугунги кунда бу оилага мансуб тилларда фузион жараёнлар сустлашиб, деярли йўқолиб бормокда, уларнинг ўрнини бошқа лисоний типлар эгалламоқда.

2-жадвал

Инглиз тилида кўплик шакли ички ўзгариш (флексия)

асосида ясаладиган отлар

Инглиз тилида айрим отларда кўплик ҳосил қилиш –s (es) кўшимчаси орқали эмас, балки сўз ўзагидаги унли ёки ундош товушни ўзгартириш асосида амалга оширилади.	man- киши	men-кишилар
	woman-аёл	women- аёллар
	foot-оёқ	feet-оёқлар
	tooth-тиш	teeth-тишлар
	goose-ғоз	geese- ғозлар
	louse – бит	lice - битлар
	mouse-мушук	mice- мушуклар

2. Инглиз тилида отларнинг қаратқич келишиги (Genitive case) **-s** форманти ёрдамида ҳосил қилинади. Бу кўшимчанинг сўзга бирикиши агглютинация усули асосида бўлади. Асосан, шахс отларига кўшилиб, қарашлилиқ маъносини билдириб келади. Масалан:

John's car – *Жоннинг машинаси*: ***John's car uses petrol much*** – *Жоннинг машинасига бензин кўп сарфланади*.

Government's decision – ҳукумат қарори: ***This is the government's decision belongs to support education*** – Бу таълимни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳукумат қароридир.

3. Сифат ва равишларда даража ҳосил қилувчи кўшимчалар **-er** ва **-est** формантлари ҳам сўзга агглютинация усулида бирикади, морфемалар орасидаги чок сезилиб туради. Масалан:

А) қиёсий даражани шакллантирувчи **-er** ўзбек тилидаги **-роқ** қўшимчасига тўғри келади ва у ҳеч қандай ўзгаришларсиз сўзга бирикади: *Tall + er = taller – баландроқ: Akram is taller than me – Акам мендан баландроқ.*

Б) ортгирма даража қўшимчаси **-est** ҳам сўзга ўзгаришларсиз агглютинация усулида бирикади:

Fast + est = fastest – энг тез: He has reached the finish fastest of all the participants – У иштирокчиларнинг ҳаммасидан энг тез финишга етиб келди.

4. Инглиз тилида сон ҳосил қилувчи формантлар сўзга агглютинация ва фузия тенденцияси асосида қўшилади. Бу ерда фузия ва агглютинация тенденциялари ёнма-ён учрайди. Масалан:

Four + teen = fourteen – ўн тўрт – агглютинация тенденцияси

Seven + teen = seventeen – ўн етти - агглютинация тенденцияси

Seven + ty = seventy – етмиш - агглютинация тенденцияси

Nine + ty = ninety – тўқсон - агглютинация тенденцияси

Юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим сонлар фузия тенденцияси асосида ҳосил қилинади. Бундай сонлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Thirteen – ўн уч – аслида бу сон three – уч ва –teen қўшимчаларининг қўшилиувидан ҳосил бўлган, лекин бу ерда морфемалар орасидаги сингишув жараёни кузатилган, бу эса фузияга сабаб бўлган.

Fifteen – ўн беш - аслида бу сўз five ҳамда –teen морфемаларидан ҳосил бўлган, лекин улар орасидаги айрим товуш ўзгаришларнинг ҳисобига сўз фузияга учраган.

5. Феълларда ноаниқ ҳозирги замон (Present simple tense) нинг III шахс бирлик шаклини ҳосил қилиш **-s (es)** қўшимчасини асосий феълга “этикетка” характерида (агглютинация усулида) бириктириш ёрдамида ҳосил қилинади. Қуйидаги мисолларда айтилган ҳолатни кузатиш мумкин:

Work + s = works – ишлайди: Bobur works at university as a teacher – Бобур университетда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Go + es = goes – боради, кетади: The earth goes round the sun – Ер Қуёш атрофида айланади.

6. Инглиз тилида тўғри феълларнинг (regular verbs) ўтган замон шакли агглютинация тенденцияси асосида сўзга қўшилади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, англиз тили лексиконидаги мавжуд феълларнинг 95% қисмини тўғри феъллар ташкил этади, қолган 5% қисми нотўғри феъллардир. Ушбу факт шунини билдирадики, англиз тилида феълларнинг ўтган замон шаклини ҳосил қилишда агглютинация тенденцияси фузияга нисбатан асосий ўринни эгаллайди.

Нотўғри феълларнинг ўтган замон шакли фузия тенденцияси ёрдамида ҳосил қилинади. Нотўғри феъллар англиз тилида жуда кам, улар луғатларнинг илова қисмида берилади. Негаки, нотўғри феъллардан ўтган замон шакли ясалганда турли хил ўзгаришлар, фузион жараёнлар юз беради, уларнинг барчаси учун тегишли бўлган қонуният йўқ. Уларнинг қандай ўзгаришларга учрашини фақат ёдлаш орқали ўрганилади.

Илмий адабиётлар нотўғри феъллар англиз тилининг фузион тил эканлигини далилловчи белги сифатида кўрсатиб келинган. Ваҳоланки, улар амалиётда агглютинация тенденциясига нисбатан етакчи эмас. Аслини олганда нотўғри феъллар қадимги англиз тили (Old English) нинг рудиментлари (қолдиқлари) дир. Демак, бу жиҳатдан замонавий англиз тилида агглютинация типи устуворлик қилади деб айтиш мумкин. Инглиз тилида нотўғри феълларгина ўтган замон шаклини ҳосил қилиш нуқтаи назаридан фузия типининг мавжудлигини тасдиқлайди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, англиз тилидаги барча нотўғри феъллар ҳам фузия “техника” си асосида ўзгаришга учрамайди, уларнинг орасида ҳеч қандай модификацион сегментация, ўзак таркибидаги ички товуш ўзгаришлари кузатилмайдиган нотўғри феъллар ҳам мавжуд. Шунинг учун фузия асосида ўзгаришга учраган нотўғри феълларни ажратиш зарурати туғилади. *Go – went, do – did, be – was, were, bet – bet, cut – cut, put – put, hit – hit, beat – beat, read – read, sew – sewed, set – set* каби нотўғри феълларда

дастлабки учтасида супплетив усул кузатилмоқда, қолганларида ҳеч қандай ўзгариш кўринмайди.

2007 йилда нашр этилган “Oxford Dictionary Thesaurus & Wordpower Guide” луғатида нотўғри феъллар **271** та кўрсатилган. Улардан 140 таси соф ҳолатда фузияга учраган нотўғри феъллардир, 87 таси фузияга учраган феълларнинг префиксация (for, mis, out, re, un каби олд қўшимчаларни 140 та феълнинг айримларига қўшилиши асосида) усули асосида қайта такрорланишидан ҳосил бўлган нотўғри феъллар, 44 тасининг айримлари супплетив усул билан ўзгаришга учраган, айримлари агглютинация асосида бириккан, айримлари ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган нотўғри феъллардан иборат. Бу ҳолатни жадвалда қуйидагича умумлаштириш мумкин.

3-жадвал

Инглиз тилида нотўғри феълларда фузиянинг учраш даражаси

Нотўғри феъллар	Сони	Фоизи
Соф ҳолатдаги фузия учраган нотўғри феъллар	140	51,6 %
Префиксация ҳисобига юзага келган фузия асосида ҳосил бўлган нотўғри феъллар	87	32,1 %
Фузияга учрамаган нотўғри феъллар	44	16,2 %
Жами	271	

250 дан ортиқ феъллардан ташқари инглиз тилидаги барча феълларнинг (тўғри феълларнинг) ўтган замон шакли феълга **-ed (Verb-ed)** формантини агглютинация тенденцияси асосида бириктириш йўли билан ҳосил қилинади. Масалан:

*Work + ed = worked: **They worked in a big company last year** – Ўтган йили улар катта компанияда ишлаган.*

*Land + ed = landed: **The plane landed because of sudden change of the wind** – Самолёт шамолнинг кескин ўзгаргани сабабли ерга қўнди.*

7. Инглиз тилида агглютинация тенденцияси мавжудлигини тасдиқловчи яна бир ҳолат феълларнинг давом замон (Continuous tense form) шакли билан боғлиқ. Бунда **-ing (Verb-ing)** форманти феълларга ҳеч қандай ўзгаришларсиз бирикади. Масалан:

*Wait + ing = waiting: **The man has been waiting for you since I came here** – У киши сизни мен бу ерга келганимдан бери кутиб турибди.*

*Rain + ing = raining: **When we went out, it was raining cats and dogs** – Биз ташқарига чиққанимизда ёмғир шаррос ёғаётган эди.*

Келтирилган мисоллар ҳар қандай тилнинг политипологик характерга эга эканлигини, лисоний типлар даврий равишда алмашилиб туришини яна бир қарра амалий исботлайди. Демак, инглиз тили материалида фузия тенденцияси билан бир қаторда агглютинация тенденцияси ҳам кузатилади. Бу замонавий (Modern English) инглиз тилининг бифуркация босқичида ривожланаётганлигини англатади.

ХУЛОСА

1. Синергетика янги фан парадигмаси сифатида дунёнинг сирли манзарасини тушунтириб бермокда, бунда хаос, диссипация, бифуркация, флуктуация, ночизик тараққиёт, коэволюция каби қонуниятлар мураккаб тизимларнинг, хусусан, тил системасининг яшаш ва ривожланиш сабабларини изоҳлаб бермокда. Ҳар қандай тилда устувор лисоний тип билан бир қаторда бошқа лисоний типларнинг ҳам кузатилиши тилдаги “синергетика” ни англатади. Негаки, синергетика юнонча *synergeia* – “ҳамкорлик”, “ҳамжиҳатик” маъноларини англатади. Бундан кўринадики, ҳар бир тил бир неча типларнинг ижобий маънодаги “ҳамкорлиги” асосида тараққий этади.

2. Тил очиқ тизим сифатида синергетик парадигма тамойиллари асосида ривожланади. Лисоний типларнинг даврий равишда алмашилиб туриши, доминант лисоний типлар ва беқарор типларнинг ёнма-ён “яшаши”, тилларда янги лисоний структураларнинг юзага келиши, бир неча тилларнинг корпоратив таъсирлашуви натижасида креол ва пижин тилларнинг шаклланиши, лисоний типлар стадиал тараққиётининг ночизик траекторияга эгалиги каби далиллар тил тизимида синергетик парадигманинг амал қилишини тасдиқлайди.

3. Тилда ҳар хил лисоний ва нолисоний таъсирларнинг тарқалиши натижасида янги белгилар, морфологик структуралар юзага келади. Хусусан, туркий тилларда фузия унсурларининг мавжудлиги, ҳинд-европа тилларида агглютинация, аналитизм тенденцияларининг учраши, хитой, вьетнам тилларида изоляция билан ёнма-ён агглютинация тенденциясининг ривожланаётганлиги, икки ёки ундан ортиқ тилларнинг корпоратив таъсирлашуви натижасида креол ва пижин тилларнинг шаклланаётганлиги каби далиллар тилнинг диссипатив тизим эканлигини, ҳар хил эффектлар ҳисобига синергетик парадигма асосида тараққий этишини кўрсатади. Буни ўзига хос **лингвосинергетик парадигма** деб номлаш мумкин.

4. Тилда лисоний типларнинг стадиал тараққиёти “ночизик” тараққиёт траекториясига эга бўлади, яъни бир лисоний тип маълум вақт доминантлик килади, тарихий тараққиёт жараёнида у синергетиканинг флуктуация, бифуркация, полифуркация қонунлари асосида “эгри чизик” динамикаси бўйича ривожланади. Муайян вақт оралиғида аввалги доминант лисоний тип ўрнини факультатив лисоний тип эгаллайди, кейинчалик ушбу тип ҳам бошқа лисоний типга ён беради. Шу тарзда лисоний типлар барқарорлик-беқарорлик, устуворлик-ноустуворлик, тартиб-тартибсизлик каби синергетик парадигманинг асосий тамойиллари асосида ривожланиш траекториясига эга бўлади.

5. Замонавий инглиз тилида (Modern English) фузия тенденциясига қараганда агглютинация тенденциясининг кучайганлиги кузатилмоқда. Бу шуни билдирадики, ҳеч бир тилда маълум тип ўзгаришсиз яшамайди, балки тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир тилда муайян типологик ўзгаришлар юз беради, тилда бир тип унсурлари сусайиб, иккинчи бир тип кучайиб бориш тамойили кузатилган нуқта тил тизимидаги бифуркация ҳолатига мисол бўлади. Масалан, фактлар шуни кўрсатяптики, қадимги инглиз тилида (Old English) фузия тенденцияси устувор бўлган, лекин замонавий инглиз тилида (Modern English) агглютинация тенденцияси кучаймоқда. Демак, инглиз тилидаги фузион – агглютинативлик белгиси унинг бифуркация босқичида эканлигини кўрсатади.

6. Ўзбек тили морфем қурилишида юз берган шакл ва мазмун номутаносиблиги даставвал маъно омиллари туфайли юзага келади. Ана шу омил морфемаларнинг маъно-вазифасида хилма-хил ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан, структур номутаносибликни атрофлича ўрганиш ўзбек тилига хос тараққиёт қонуниятларини тўлиқроқ англашга имкон яратади.

7. Структура асимметрияси тилда амал қилувчи қонуниятлар-асимметрик дуализм, фузия ва гиперагглютинация, соддаланиш ва морфологик қайта бўлиниш қонуниятлари билан изоҳланадиган, шакл ва

мазмун номутаносиблигини юзага келтирувчи тарихий жараёндр. Номутаносиблик тилнинг барча сатҳларида амал қиладиган умумий жараён бўлиб, бу жараёнга хос қонуниятларни тадқиқ этиш фанимизнинг муҳим ва долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

8. Агглютинация типологияга доир кўпгина адабиётларда кўрсатилганидай жуда оддий, ҳеч қандай ўзгаришларсиз юз берувчи жараён эмас, аксинча бунда бир қанча ўзгаришлар, морфемалар таркибида фузион жараёнлар кузатилиши шубҳасиз. Бунда баъзан агглютинация занжиридаги муайян халқалар «узилиб» қолиши мумкин, натижада ўзакнинг фонетик таркибида айрим ўзгаришлар юз беради, ўзак морфема ва аффиксал морфема орасидаги уланиш чоки худди фузион тиллардагидай сезилмас ҳолга келиб қолади.

9. Синергетика бугунги кунда **“метафан”** (юнонча metha – “кейин”, “барча фанлардан кейинги”) вазифасини бажариши лозим, ундаги қонуниятлар универсаллик касб этиб, уни барча фанлар “ўзиники” ҳисоблаб, улардан фойдаланади. Америкалик олим Т.Кун ўзининг “Structure of scientific revolution” (“Илмий инқилоб структураси”) асарида ёзишича, илм-фандаги инқилоб ҳодисага ёндашувнинг ўзгариши ва парадигманинг янгиланиши билан ўлчанади. Шу маънода синергетикани XX-XXI асрлар фан парадигмаси сифатида деярли барча фан соҳалари, шунингдек, тилшунослик учун ҳам методологик асос сифатида қабул қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.- 327 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- 615 б.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - Б. 238.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.- 176 б.

II. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

5. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.- 134 б.
6. Абдуазизов А.А., Зализняк А.М., Щитка Н.Н. Общее языкознание. – Ташкент: Университет, 2001.- 107 с.
7. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1986.- 295 с.
8. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966.- 608 с.
9. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1961. - С. 209.
10. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1969.- 383 с.
11. Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков: (структура слова и механизм агглютинации). – М.: Наука, 1979.- 287 с.

12. Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.- 188 б.
13. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991.- 142 б.
14. Блох М.Я. Теоретическая грамматика английского языка. – М.: Высшая школа, 1983.- 383 с.
15. Блумфильд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. - С. 195.
16. Богородицкий В.А. Введение в татарское языкознание. Казань, 1953.
17. Бодуэн де Куртенэ И.А. Опыт теории фонетических альтернатив // Избранные труды по общему языкознанию. Т. 1. – М., 1963.- 266-326 с.
18. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983.- 267 с.
19. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973.- 284 б.
20. Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. – М.: Просвещение, 1978.- 366 с.
21. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – М.: Просвещение, 1989.- 288 с.
22. Диалектика и логика. Законы мышления. – М.: Наука. 1962. - С.174-203.
23. Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958.- 404 с.
24. Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Т.1. – М.: Просвещение, 1960.- 405 с.
25. Золхоев В.И. Фонология и морфонология агглютинативных языков. – Новосибирск, 1980.- 115 с.
26. Зубкова Л.Г. Лингвистические учения конца XVIII – начала XX в. – М.: Издательство Университета Дружбы Народов, 1989.- 212 с.
27. Иванова И.П. Структура английского имени существительного. – М.: Высшая школа, 1975.- 167 с.
28. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008.- 271б.
29. Канцельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л. 1972.- 216 с.

30. Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. – М.: Рипол, 1997. - С. 5.
31. Кедров Б. Единство диалектики, логики и теория познания. – М.: Наука, 1963.- 187 с.
32. Кондрашов Н.А. История лингвистических учений. – М.: Просвещение, 1979.- 223 с.
33. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1990.- 688 с.
34. Мирзаев М.М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1962.- 256 б.
35. Мирзақулов Т. Грамматика ўқитишнинг лингвистик асослари: ўрта мактаб ўқитувчилари ва олий мактаб талабалари учун қўлланма. – Тошкент, 1994. - 56 б.
36. Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспектлари ва уларнинг муносабатлари. – Хўжанд, 1993.- 75 б.
37. Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Университет, 1998.- 88 б.
38. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005.- 166 б.
39. Навоий А. Асарлар, Мухокаматул-луғатайн, 14-том, Тошкент, 1967.
40. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи. 1992.- 93 б.
41. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.- 33 б.
42. Нурмонов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Тошкент: Фан, 1982.- 151 с.
43. Нурмонов А., Махмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.- 228 б.
44. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.- 45 б.

45. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон. 2006.- 182 б.
46. Плоткин В. Я. Строй английского языка. – М.: Высшая школа, 1989.- 168 с.
47. Пригожин И. Стенгерс И. Порядок из хаоса: новый диалог человека с природой. – М., 1986.- 157 с.
48. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2001.- 599 б.
49. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение, 1967.- 542 с.
50. Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию. – М.: Высшая школа, 1990.- 380 с.
51. Розенталь Д.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1976.- Б. 271.
52. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1993.- 243 с.
53. Серебренников Б. А. Основные линии развития падежной и глагольной систем в уральских языках. М.,1964.
54. Серебренников Б.А., Гаджиева Н.Е. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. – М.: Наука, 1986.- 302 с.
55. Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – М., 1959.- 440 с.
56. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.- 158 б.
57. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1977.- 292 с.
58. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология. – М.: Наука, 1984.- 400 с.
59. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М.: Просвещение, 1975.- 273 с.

60. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент: Республика ўқув-услубий идораси, 1992.- 68 б.
61. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Тошкент.: Шарқ, 2004.- 383 б.
62. Хакен Г. Синергетика. – М., 1980.- 278 с.
63. Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – Москва. Ижевск, 2003.- 320 с.
64. Хэмп Э. Словарь американской лингвистической терминологии. – М., 1964.- 158 с.
65. Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005.- 388 б.
66. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л., 1970.- 204 с.
67. Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1975.- 612 б.
68. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 1. – М.: Рус тили, 1981.- 632 б.
69. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 2. – М.: Рус тили, 1981.- 716 б.
70. Гуломов А. Ғ., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.- 460 б.
71. Ҳожиёв А. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.- 144 б.
72. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. - Б. 126.
73. Broderick J.P. Modern English Linguistics: a Structural and Transformational Grammar. – New York: Thomas Y. Crowell Company, 1975.- 265 p.
74. Cassirer E. Structuralism in Modern Linguistics. – Washington: Word, 1945. - P. 110.
75. Comrie B. Language Universals and Linguistic Typology. – Oxford: Oxford University Press, 1989. - P. 34-47.
76. McMahon. Understanding of Language Change. – Cambridge: Cambridge University Press. 2001. - P. 21.

77. Ricardo M., Juana G. Linguistic Universals. – Cambridge: Cambridge University Press, 2006.- 229 p.
78. Robins R.H. General linguistics. – L., 1964. - P. 332.
79. Spang-Hanssen. Probability and Structural Classification in Language Description. – Copenhagen. 1959.- 117 p.
80. Stump G. Inflectional Morphology. Theory of Paradigm Structure. – Cambridge: Cambridge University Press, 2001.- 123 p.
81. Thomas S. Kuhn. The Structure of Scientific Revolution. – Chicago: University of Chicago Press, 1970.- 137 p.

III. ЖУРНАЛ ВА ТЎПЛАМЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР, ТЕЗИСЛАР

82. Баскаков Н.А. Механизм агглютинации и процессы грамматикализация самостоятельных слов в тюркских языках // Вопросы языкознания, 1978. - № 6. - С. 73-87.
83. Бенвенист Э. Классификация языков // Новое в лингвистике. – М., 1963. Вып. III. - С. 36-55.
84. Боровков А.Н. Агглютинация и флексия в тюркских языках // Памяти Л.В.Щербы. – М., 1951. - С. 94-101.
85. Гаджиева Н.Е. Агглютинация как определяющий фактор развития синтаксической структуры тюркских языков // Проблемы языкознания. – М., 1967. - С. 43-54.
86. Гринберг Дж. Квантитативный подход к морфологической типологии языков // Новое в лингвистике. – М., 1963. Вып. III. - С. 60-94.
87. Гринберг Дж., Осгуд И., Дженкинс Дж. Меморандум о языковых универсалиях // Новое в лингвистике. – М., 1970. Вып.V. - С. 45-68.
88. Гулямов А.Г. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке // Научные труды ТашГУ, Вып. 268. Языкознания и литературоведение. – Ташкент. 1964.

89. Гумбольдт В.О. О сравнительном изучении языков применительно к различным эпохам их развития // Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков (в очерках и извлечениях). Т. 1. – М., 1960. - С. 68-87.
90. Закиев М.З. О тюркской морфонологии // Советская тюркология. – М., 1984. - №1. - С. 5-42.
91. Князева Е. Н. Саморефлективная синергетика // Вопросы философии. – М., 2001. - № 10. - С. 106-107.
92. Князева Е.Н. Случайность, которая творит мир // В поисках нового мировоззрение: И.Пригожин, Е.Н.Рерихи. – М.: Знание, 1991. - С. 18.
93. Кононов А.Н. О фузии в тюркских языках // Структура и история тюркских языков. – М., 1971. - С. 107-120.
94. Косериу Э. Синхрония, диахрония и история // Новое в лингвистике. Вып. III. – М., 1963. - С. 75-83.
95. Мельчук И.А. О «внутренней флексии» в индоевропейских и семитских языках // Вопросы языкознания. – М., 1963. - № 4. - С. 3-16.
96. Миртожиев М.М. Ажра, айир, айил феъллари генезиси ва улар уяси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. - № 1. - Б. 60-62.
97. Набиева Д. Фузия натижасида ҳосил бўлган ўзак морфемалар вариантлилиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. - № 5. 2002. - Б. 21-23.
98. Поливанов Е.Д. Факторы фонетической эволюции языка // Статьи по общему языкознанию. – М., 1968.- С. 47-53.
99. Реформатский А.А. Агглютинация и фузия как две тенденции грамматического строения слова // Лингвистика и поэтика. – М., 1987. - С. 52-76.
100. Рождественский Ю.В. Типология слова // Вестник ИГЛУ. Сер. Проблемы диахронического анализа языков. – М., 1969. Вып. 1. - С. 45.
101. Серебренников Б.А. О причинах устойчивости агглютинативного строя // Вопросы языкознания. Вып. I. 1963. - С. 20-26.

102. Серебренников Б. А. Общезыковедческие аспекты теории волн Иоганна Шмидта // Ареальные исследования в языкознании и этнографии. – М., 1975. - С. 5-12.
103. Серебренников Б.А. Язык как общественное явление // Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. – М., 1970. - С. 417-450.
104. Солнцев В.М., Солнцева Н.В. Куда идёт китайский язык // Китайское языкознание: Изолирующие языки: IX международная конференция: Материалы. – М., 1998. - С. 15-22.
105. Солнцев В.М. Типологические свойства изолирующих языков (на материале китайского и вьетнамского языков) // Языки Юго-Восточной Азии. Проблемы морфологии, фонетики и фонологии. – М., 1970. - С. 12.
106. Тўйчибоев Б. Яйлов, қишлоқ, қарага ва олтин сўзларининг шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. - № 3. - Б. 66-69.
107. Эгамова Ш. Бир сўзнинг лексик маънолари хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. - № 6. - Б. 87-89.
108. Greenberg J.H. The Nature and Uses of Linguistic Typologies // IJAL, 1957, V.23, № 27. - P. 73-91.
109. Greenberg J. H. Methods and Perspective in Anthropology // Papers in Honour of W. D. Wallis, ed. by R. F Spencer. – New Jersey, 1954. - P. 192.
110. Jacobson R. Typological Studies and Their Contribution to Historical Comparative Linguistics // Proceedings of the 8th International Congress of Linguists. – Oslo. 1958. - P. 17-25.
111. Campbell L., Bubenik V., Saxon L. Word Order Universals: Refinements and Clarifications // Canadian Journal of Linguistics. - № 2. 1988. - P. 209-230.
112. Maslova E. A Dynamic Approach to the Verification of Distributional Universals // Linguistic Typology. 2000. - № 4. - P. 307-333.
113. Plank F. Split Morphology: How Agglutination and Flexion Mix // Linguistic typology. 1999. - № 3. - P. 279-340.

114. Rijkhoff, Bakker D. Language Sampling // Linguistic Typology. 1998. - № 2. - P. 263-314.
115. Lindblom B., MacNeilage P., Studdert-Kennedy M. Self-organizing Processes and the Explanation of Phonological Universals // Explanations for Language Universals. – Berlin: Mouton. 1984. - P.181–203.

V. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

1. <http://www.anddu.uz>
2. <http://www.philology.ru>.
3. <http://www.en.wikipedia.org/wiki/inflexion>.
4. <http://www.homepages.tversu.ru>.
5. <http://www.oriental.ru>.
6. <http://www.jivuchest.ru>.
7. <http://www.lib.socio.msu.ru>.
8. <http://www.proling.ru>
9. <http://www.hist.msu.ru/Departments/Inf/Books/Chaos.htm>
10. <http://www.chaos.ssu.runnet.ru>.
11. <http://www.infolex.ru>
12. <http://www.lotschool.nl/Research/ltrc/>.
13. <http://www.ling.uni-konstanz.de/pages/proj/sprachbau>
14. http://www.bigpi.biysk.ru/wwwsite/source/for_stud/typology
15. <http://www.language.babaev.net/sinus.html>
16. <http://www.ehu.es/grammar/index.htm>
17. <http://www.wiki.org/fusion.html>.
18. <http://www.russian.iztok.net>
19. <http://www.altai.narod.ru>
20. <http://www.rvb.ru/philologica>
21. <http://www.nostratic.ru>
22. <http://www.synergetic.ru/science/index.php?article=dan2>.